ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 31 март, шанба № 43 (2300)

# ISHONCH

***Аввал хабар қилганимиздек, 29-30 март кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. 29 март куни бўлиб ўтган мажлисда мамлакатимиз ҳаёти билан боғлиқ муҳим қонун ва қонун ости ҳужжатлари муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. 30 март куни Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.***

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

Парламент юқори палатасининг аъзолари ялпи мажлиснинг иккинчи иш кунини "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқишдан бошладилар. Қонун этил спиртини, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларини контрабанда йўли билан олиб киришга, қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритишга, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаган ҳолда ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташишга, ўтказишга, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатишга қарши курашни кучайтиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонунда истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига реал хавф соладиган ана шундай қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш чора-тадбирлари назарда тутилмоқда, бундай қонунбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Қонунда чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилмоқда. Қонунда назарда тутилган ҳуқуқий чоралар маҳсулотларни, агар уларни истеъмол қилиш фуқароларимизнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф соладиган бўлса, қонунга хилоф равишда олиб киришнинг, ғайриқонуний тарзда ишлаб чиқаришнинг олдини олиш ва пайини қирқиш учун янада самаралироқ шароитлар яратилишига олиб келади.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди ва маъқулланди. Қонунда мужассам топган ҳуқуқий чоралар энг аввало автомототранспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикасининг халқаро фаолияти билан боғлиқ иккита ҳуқуқий ҳужжат кўриб чиқилди ва маъқулланди. Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, шулардан биринчиси «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябр) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бўлиб, у Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илк бор 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг мантиқий ҳосиласидир. Ўзбекистон Президентининг айни ана шу ташаббуслари 2006 йил 8 сентябрда Семипалатинскда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани имзолаш йўли билан халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди. Бу Шартнома минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тинчлик сақланишини таъминлашга қаратилган муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Халқаро туркумга мансуб иккинчи ҳуқуқий ҳужжат – "Марказий Осиё ҳамкорлиги" Ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июн) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун "Марказий Осиё ҳамкорлиги" Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг Евроосиё маконида интеграция жараёнларини янада ривожлантириш ҳақидаги қарорини (Санкт-Петербург, 2005 йил 6 октябр) амалга ошириш билан боғлиқ. Қарорда "Марказий Осиё ҳамкорлиги" Ташкилотини Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан бирлаштириш ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, бу интеграциялашув жараёнлари ривожланишидаги янги босқичдан далолат беради.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботни ҳам маъқулладилар.

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, уларнинг ишини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалаларни ҳамда Сенат ваколатига таллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тўққизинчи ялпи мажлисда ҳаммаси бўлиб 24 та масала кўриб чиқилди, уларни муҳокама қилишда 67 нафар сенатор сўзга чиқди.

Сенаторлар томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган барча қонунлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, унинг ҳаётий фаолияти билан боғлиқ ҳамма соҳаларни ислоҳ қилиш вазифаларини изчиллик билан ҳал этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Айни шу жиҳатдан олганда сенаторлар томонидан маъқулланган хусусан қуйидаги қонунлар – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қонунчилик палатасига лойиҳалари киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун, шунингдек «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур қонунлардаги қоидаларнинг амалга оширилиши бутун сиёсий, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар жараёнларига, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш бардавомлигига чуқур таъсир ўтказади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати**

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ***

## Йозеф Блаттер ва Муҳамад Хаммам Ал-Абдуллани мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасида футбол дастурларини ривожлантириш ва қўллаб-кувватлашга қўшган улкан ҳиссаси, ёш соғлом авлодни шакллантиришдаги иштироки ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги самарали фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

**"Дўстлик" ордени билан**

**Йозеф Блаттер** — Халқаро футбол федерацияси президенти (ФИФА)

**"Шуҳрат" медали билан**

**Муҳамад Хаммам Ал-Абдулла** — Осиё футбол конфедерацияси президенти (АФК)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 28 март



*Гул билан гулгун ёниб нур бўламиз,*
*Бахт учун кўнгил очиб ҳур бўламиз.*

| МАРКАЗИЙ БАНК АХБОРОТИ | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1 Австралия доллари 1004,00 | 1 БАА дирҳами 344,00 | 1 ЕВРО 1657,72 | 1 Хитой юани 161,61 | 1 Турк лираси 903,23 |
| | 1 Англия фунт стерлинги 2448,00 | 1 АҚШ доллари 1250,07 | 1 Россия рубли 48,00 | 1 Кувайт динори 4325,35 | 1 Япон иени 106,00 |

Тадбир

# МИЛЛИЙ ҒОЯ

## ҳар бир меҳнаткаш учун муқаддасдир

***Республикамиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий анъаналаримиз ҳамда урф-одатларимизни кенг тарғиб этиш, уларни асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш айни кундаги кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифа. Мазкур йўналишда жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнаткашлар, талаба-ёшлар ҳамда меҳнат фахрийлари ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.***



Республика металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши, Тошкент вилоят ҳамда шаҳар тармоқ касаба уюшма қўмиталари раислари кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-семинарда касаба уюшма етакчилари ҳамда фаоллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори, айтиш мумкинки, узоқ истиқбол учун ҳам мўлжалланган ўзига хос дастуруламал бўлди. Республика касаба уюшмаларининг IV Қурултой қарорлари ҳамда Ҳаракат Дастурида ҳам меҳнаткашлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш алоҳида таъкидлаб ўтилганди. Мазкур ҳужжатлар асосида жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. «Маънавият ва маърифат» хоналари замон талаблари даражасида жиҳозланяпти. Зарур адабиётлар билан таъминланмоқда. Олимлар, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Бу ишлар «Тошкент трактор заводи», «Тошқишлоқмаш» корхоналарида, «Ўзкабель», «Технолог» очиқ акциядорлик жамиятларида яхши йўлга қўйилган. Вилоятдаги «Чирчиқ трансформатор заводи», «Чирчиққишлоқмаш» акциядорлик жамиятлари, «Новатор» масъулияти чекланган жамиятларида бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида илиқ гапларни айтиш мумкин.

Лекин олдинда қилинажак вазифалар ҳам оз эмас. Авваламбор меҳнаткашларнинг ҳаётга онгли муносабатларини шакллантириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш борасида юксак масъулият туйғусини кучайтиришимиз зарур. Ўқув-семинарда иштирок этган Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат маркази» раҳбари И. Абдуғаниев, Тошкент шаҳар ва вилоят тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари раислари кенгаши раислари А. Алаутдинова, Ш. Исроилов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий билим ва маданиятларини ошириш масаласи ҳам қатнашчиларнинг диққат-марказида бўлди. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг юридик бўлим мудири А. Рисқуллаев йиғилганлар билан фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида касаба уюшмаларнинг фаолияти тўғрисидаги маърузалар ҳам тингланди. Йиғилиш қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди.

***Юрий Фомин, «Ўзиккиламчиқораметалл» корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси:***

— Жамоамизда 850 нафар киши ишлайди. Кейинги вақтларда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланди. Биз давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва ахборот хуружлари, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадлари тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб боряпмиз. Бир сўз билан айтганда, ҳушёрлик ҳамда огоҳликка даъват этиш ҳар биримизнинг виждоний бурчимиздир.

***Раъно Маяқубова, Чирчиқ трансформатор заводи касаба уюшма қўмитаси раиси:***

— Маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари ҳар биримизда ифтихор туйғуларини уйғотади. Шу боисдан ҳам корхонамиз меҳнаткашлари ва уларнинг фарзандлари ўртасида Ватанга муҳаббат, садоқат ҳисларини уйғотиш учун турли тадбирлар белгилаганмиз. Бу вазифани амалга ошириш учун Чирчиқ шаҳар «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз.

Айни вақтда меҳнаткашларни ҳуқуқий билимларини ошириш ҳам долзарб вазифа. Ана шу муҳим масала йиғилишда алоҳида уқтириб ўтилди. Бу эса иш фаолиятимизни янада бойитишни тақозо этади.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига

***Гулистон тумани «Сойибобод» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маҳаллалардан бири машҳур адиб Абдулла Қаҳҳор номи билан аталади. Ёзувчи ҳақида гап кетса, кўпни кўрган маҳалла қариялари «ўзимизнинг Абдулла Қаҳҳор» дея алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Бу бежиз эмас, албатта. Адиб бу ерда маълум муддат яшаб, ижод этган.***




# Адибнинг Мирзачўлга сафари

Маълумки, Абдулла Қаҳҳор қишлоқ ҳаётини чуқур ўрганиш учун тез-тез вилоятларга чиқиб турган. Адибнинг рафиқаси Кибриё Қаҳҳорованинг хотираларида қайд этилганидек, ёзувчи ёзилажак асарларининг қаҳрамонлари билан яқиндан танишмагунча қўлига қалам олмаган. 1948 йил август ойида ёзувчи Мирзачўлга келади. Ўша пайтларда Мирзачўл чинакам жасорат майдонига айланган эди. Ўзбекистоннинг турли шаҳар-қишлоқларидан келган кишилар асрлар бўйи қақраб ётган чўлни боғи бўстонга айлантириш учун астойдил ҳаракат қилаётган эди. Туманнинг ўша пайтдаги раҳбари адибни Наманган-дан чўлни бўстонга айлантириш мақсадида келган тажрибали деҳқон Сойибжон Назаров етакчилик қилаётган хўжаликка олиб боради. Хўжаликда меҳмонлар учун дурустроқ бино ҳам йўқ эди. Ёзувчи ва унинг рафиқаси идоранинг шундоққина биқинида жойлашган каталакдек кичкина хонадан қўним топишади. Адиб хўжалик раҳбари билан гоҳ отда, гоҳ пиёда далаларни айланган. Қишлоқ қарияларининг хотирлашича, Абдулла Қаҳҳор дилкаш, самимий инсон бўлиб, оддий одамлар билан суҳбатлашиш, дала кезишдан асло эринмаган. У хўжаликнинг машҳур пахтакори андижонлик Ғанишер Юнусов билан дала-ма-дала пиёда кезиб, оддий сувчи, чопиқчи, тракторчилар билан дилдан суҳбатлашган. Кўрган-эшитганларини эринмай қоғозга тушириб борган. Урушдан кейин одамларнинг турмуш шароити ўта оғир бўлган. Электр токи йўқ, кичкина движок аранг ишлар, унинг кучи ҳам кечки тўққизга етмас эди. Совуқ эрта тушиб, адиб яшаётган ҳужра совиб кетади. Аксига олиб хўжаликда кўмир ҳам, ўтин ҳам бўлмаган. Адиб Тошкентдан бир машина кўмир, эски лампа олиб келиб, кечалари не-не машаққат билан ижод қилган. Кўрган-кечирганлари ҳақида очерк, лавҳалар битган. Абдулла Қаҳҳорнинг «Мирзачўлда куз», «Сўз Ғанишерга», «Келинг, ошна, чўл қувлаймиз» каби очерклари республиканинг марказий нашрларида эълон қилинади ва юқори баҳоланади. Адиб ёзув-чизувдан толиққан пайтда дала айланган, қишлоқ аҳли билан дилдан суҳбат қурган. Хўжаликнинг аксарият аъзолари водийдан келган эмасми, тез-тез латифагўйлик, аскиябозлик бўлиб турган. Аскияларда Абдулла Қаҳҳор ҳам фаол қатнашган, ҳаттоки бир сўз билан манаман деган сўз усталарини мот қилган. Бу воқеаларга ўша пайтда туман ёшларига етакчилик қилган Абдуманноп ота Азимов бир неча бор гувоҳ бўлган.

— Абдулла ака сўзга жуда уста киши эди, — дея хотираларидан сўзларди Абдуманноп ота. — Бир юмуш билан хўжаликка бориб қолдим. Абдулла ака одамларни оғзига қаратиб кулдириб ўтирибдилар.

Пўлат Азимов деган кишидан ручка сўради. Ўша пайтларда сиёҳли авторучкалар энди русум бўлаётган эди. Ёзувчи ён дафтарига одамлардан эшитганини шошиб - пишиб қоралаб олди. Шу пайтда хўжалик раиси Сойибжон Назаров келиб қолди ва ёзувчига сўрашиш учун қўл узатди. Абдулла ака қўлига қараса сиёҳ юқи, ручка носоз экан.

— Эҳ Пўлатжон, ручкам ичбуруғ бўлган деб айтмайсизми? Қаранг, ҳамма ёқни расво қилди-ку, — дея барчани кулдирди. — Абдулла ака ўта ҳозиржавоб, сўзга бой эди. Айтган гапи нишонга тўғри тегарди.

Машҳур адибнинг Мирзачўлга сафари унинг ижодида катта бурилиш ясади. Ёзувчи шоҳ асарларига тамал тошини ўша ерда қўйди. Кўплаб қаҳрамонларини халқ орасидан излаб топди. «Синчалак»даги Қаландаров, Эшон образларининг прототиплари билан ёзувчи Мирзачўлда учрашди. 1949 йилда Абдулла Қаҳҳорнинг Мирзачўл ҳаётидан олиб ёзган «Шоҳи сўзана» комедияси юқори баҳоланди. Асар 74 та театр саҳнасида намойиш этилиб, давлат мукофотига сазовор бўлди. Кейинчалик бу асар бир қанча хорижий мамлакатлар театрлари саҳнасида ҳам қайта-қайта намойиш этилди. Адиб Мирзачўл номини дунёга ана шундай таратди.

Яқинда адиб номидаги маҳаллада бўлиб қайтдим. Абдулла Қаҳҳорнинг муборак қадамлари теккан қишлоқ бўйлаб кездим. Унинг бу ерда ўтган ҳаёти ҳақида сўраб-суриштирдим. Маҳалла аҳли адибнинг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга пухта тараддуд кўраётганлигига гувоҳ бўлдим.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**журналист**

Юртимизда баҳор кезмоқда

# Орзумиз: фарзандлар

***Эшик очилиб, шахдам қадамлар билан тўладан келган бир киши хонага кириб келганини сезмай қолибман. Ҳарбийчасига салом берди. Уч-тўртта йигирмани қоралаган бўлсада, худди биттасидан энди ўтгандек эди. Кўнгли оқ, табиатан қувноқлиги чеҳрасидан барқ уриб турарди.***

Эсладим, илгари ҳам ҳуқуқий масала билан бизга мурожаат қилган эди, жавобимиз маъқул бўлган шекилли, газетамизга меҳри тушган. Рихсивой Солиҳов, «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари. Бир варақ қоғоз узатди. Ташкилот фаолияти юзасидан ахборот. 3-4 та расм ҳам бор. Ўқийман:

*«Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларни техник ва амалий спорт турларига жалб этиш орқали жисмонан чиниқтириш ва халқ хўжалигига техник мутахассислар етказиб бериш учун уларни ўқитиш, касбга йўналиштиришдек эзгу мақсадлар замирида ташкил этилган Республика Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмалари мустақиллик йилларида тўла шаклланди. Ўз дастури ва фаолиятини янги тамойиллар асосида олиб бораётган бу ташкилотнинг минглаб мухлислари ва ўқувчи-шогирдлари бор. Ёшларни бирлаштирувчи, уларни Ватан ҳимоясига пухта тайёрловчи муассаса сифатида ҳам «Ватанпарвар»нинг ўз ўрни бор.*

*Юртимизда баҳор, «Наврўз» руҳи кезиб юрган шу кунларда «Ватанпарвар» ташкилотининг барча ҳудудий бўлинмаларида миллий байрамимиз кенг ва оммавий тарзда нишонланмоқда. Шу муносабат билан турли тадбирлар уюштирилмоқда. Жумладан, 24 март куни Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Юнусобод туман кенгаши академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи ёшлари ўртасида биатлон спорт тури бўйича мусобақа ўтказилди.*

*Мусобақани уюштиришда Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Юнусобод тумани ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ, маданият ва спорт бўлими билан яқиндан ҳамкорлик қилинди.*

*Муросасиз ўтган баҳслардан сўнг мусобақанинг асосий соврини — «Ватанпар-*

Тадбир

**Аввал хабар қилганимиздек, 21 март куни газетамизнинг илк — нишона сони чоп этилганига 16 йил тўлди. 16 йил тарих олдида унчалик катта муддат эмас, аслида. Бироқ шу давр мобайнида таҳририят жамоаси газетанинг янада ривожланиб, мазмун-мундарижасини бойитиш, навқирон журналистлар, янги номлар кашф этиш йўлида ўзига хос машаққатли йўлни босиб ўтгани, бор гап.**



# МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР



Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир, деганида устоз адиб Абдулла Қодирий нақадар ҳақ эканлигига куни кеча таҳририятда бўлиб ўтган тадбир чоғида яна бир карра амин бўлдик.

Наврўз байрами ҳамда «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари ташкил этилганлигининг 16 йиллиги муносабати билан газетага тамал тошини қўйган, бир неча йиллар мобайнида нашр салмоғини ошириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилган бир гуруҳ фахрий ижодкорлар бир пиёла чой устида дийдорлашдилар.

Устоз ижодкорларнинг бир-бирлари билан қучоқ очиб кўришиш асносидаги қувончи, меҳри, юз-кўзларида балқиб турган миннатдорчилик аломатларини таърифлашга қалам ожиз. Газетанинг биринчи бош муҳаррири Тўлқин Қозоқбоев, матбуотимизнинг кўзга кўринган ижодкорлари Саидикром Саидвалиев, Тоживой Алимов, Шавкат Қулибоев, Жасур Носиров, Жонрид Абдуллахонов, Темур Убайдулла, Абдунаби Маннопов, Файзи Шоҳисмоил ва Алибой Эргашевлар хотиралар гурунгидан камида ўн олти йилга (!) ёшариб кетгандек бўлдилар.



Шундан сўнг фахрийлар бугунги кунда таҳририят ходимларига яратилган шароитлар, компьютер маркази билан танишдилар.

— Бундай шароит ва имкониятда фақат ишлаш керак, холос, — дея ҳаяжонини яширолмади «Ишонч»да узоқ йиллар вилоят мухбири бўлиб ишлаган Алибой Эргашев. — Сизларга ҳавасим келаяпти.

Бир пиёла чой устидаги суҳбатда Тўлқин Қозоқбоев газета илк ташкил этилган кунларни ёдга олиб, жумладан, шундай деди:

— Ҳар қандай қийинчиликларни енгиб бўлса-да, газета пойдеворини мустаҳкам қўйганимиз учун бугун ёруғ юз билан учрашиб турибмиз.

Ўша даврда бирга ишлаган ака-укаларим, қадрдонларим, меҳрибон сингилларим кўз ўнгимдан ўтади. Бугун уларнинг барчасини «Ишонч»нинг балоғат ёшига етгани билан чин юракдан табриклайман. Рихлат қилган биродарларимизнинг руҳи шод бўлсин.

Биз қурган шу муҳташам бинони асраб-авайлаб, янада кўпроқ меҳр қўйган ташаббускор, янгиликка интилувчи «Ишонч»нинг бугунги жамоасига улкан ютуқлар тилаймиз.

Қадрдонлар суҳбати қизигандан-қизиди. Тилак айтмаган, хотиралари билан ўртоқлашмаган киши қолмади.

— Дарҳақиқат, пойдевор қанчалик бақувват бўлса, бино ҳам шунга яраша мустаҳкам бўлади. Бугунги кунда газета тўла шаклланиб, кундан-кунга ўз қиёфасига эга бўлиб бораётганини муштарийлар эътироф этишаяпти, — деди «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари бош муҳаррири Абдухолиқ Абдураззоқов. — Таҳририятда замонавий компьютерлар билан жиҳозланган марказ фаолият кўрсатмоқда. Бу эса газетани саҳифалаш ҳамда дизайн ишларида ижодий ёндошув учун кенг имкониятлар яратмоқда. Интернетга уланганимиз дунё воқеаларини тез ва мазмунли қилиб ўқувчиларга етказишимизда муҳим омил бўлмоқда. Газета янгидан-янги мавзулар, рукнлар билан бойиб бориш баробарида, жонсиз, қуруқ фактларни қайд этувчи мақолалар ўрнига жонли, таҳлилий, халқ тафаккурини чархлайдиган материаллар кўпайганини муштарийларимиз ҳам эътироф этишмоқда. Бўлимларнинг номи билан бирга иш услуби ҳам ўзгарди. Қолаверса, яқин орада газетанинг интернетдаги ўз сайтини очишни режалаштирганмиз. Бу эса газетамизни нафақат Ўзбекистонда, балки, хорижда ҳам ўқиш имкониятини беради.

Тадбир сўнгида фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз**
**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

Наврўз сайли

# Кўтаринки кайфият бағишлади

***Энг қадимий ва навқирон байрам — Наврўз Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам катта шодиёна билан нишонланди. Мактабнинг Сирғали туманидаги ўйингоҳи байрамона безатилган. Дошқозонда қайнаётган сумалакнинг ёқимли ҳиди кўкка бўй таратмоқда. Курсантлар ва мактаб жамоаси, фарзандларининг қувончига шерик бўлиш мақсадида ташриф буюрган ота-оналар, қариндошларнинг юзида байрам қувончи.***

***Дастлаб «Маънавият ва маърифат» клубида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мактаб раҳбари, юридик фанлари доктори, генерал-майор Матрасул Собиров барчани табриклаб, жумладан, шундай деди:***

***— Наврўз муносабати билан дийдорлашувда ўзига хос рамзий маъно бор. Мактабдан ҳаётга йўлланма оладиган ёшлар олий маълумотли мутахассис, халқи, Ватанини ҳимоя қилиш билан бирга тарих ва азалий қадриятларни ҳам яхши биладиган, уларни келажак авлодларга етказадиган инсоний фазилатларга эга кишилар бўлиши керак.***

***Ички ишлар идоралари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази раиси, генерал-майор Ғофуржон Раҳимов ҳам меҳмонларни қутлаб дил сўзларини изҳор қилди.***

***Олий даргоҳда ўрнатилган тартиб-интизом қоидаларига қатъий риоя қилиб, аъло ўқиши, намунали хулқи билан ўрнак бўлаётган бир гуруҳ курсантлар фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар билан тақдирланди. Бир гуруҳ ота-оналарга миннатдорчилик хатлари топширилди.***

***Шундан сўнг дошқозондаги сумалак отахон ва онахонлар дуоси билан очилиб, кўклам нафаси уфуриб турган ўйингоҳ бағрида байрам дастурининг асосий қисми давом эттирилди.***

***Байрам муносабати билан «ЖАР» спорт мажмуаси қошидаги мактаб-интернат ва Юнусобод туманидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совғалар улашилди.***

***«Турон юлдузлари» гуруҳи санъаткорлари ва хушовоз хонандаларнинг жозибали куй-қўшиқлари барчани хушнуд этди. Сўз усталари М.Холметов, В.Шамсиев, Ш.Ҳожиевларнинг ҳангомалари ҳам спорт ва санъатсеварларга кўтаринки кайфият бағишлади.***

**Ўктам ХОЛИҚОВ,**
**катта лейтенант**

*вар» ташкилоти Юнусобод туман Кенгашининг кубоги Х.Калонов номли компьютер технологиялари коллежи жамоасига насиб қилди. Шахсий биринчиликда ҳам туман чемпионлари аниқланди. Ўспиринлар ўртасида биринчи ўринни шу коллеж ўқувчи-*

# камоли

*си Дилшод Бобоназаров ва қизлар ўртасида машинасозлик коллежи ўқувчиси Ширин Ҳикматовалар эгаллашди.*

*Мусобақа барча қатнашчи ва меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Биатлон бўйича мусобақаларни ўтказиш анъанага айланмоқда. Зеро, ёшларимизнинг маънан ва жисмонан баркамоллигини кўриш улуғ орзуимиздир».*

Отахон бир-икки ширин латифа айтиб чиқиб кетди.

# Касбида Наврўз

Телефон жиринглаб қолди. Гўшакни олдим. Ботир Исломов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Касби тумани кенгашининг раиси. Салом-аликдан сўнг Касбида Наврўз байрами нишонланганлигини айтди.

— Ҳамма жойда ўтаяпти.

— Бизда бошқача бўлди.

Ўйларим мозий сари кетади. Тарих китобларида 589 йилда сосонийлар саркардаси Баҳром Чўбин туркий қавмлар устидан зафар қозониб, Касби қалъасини эгаллаган деган сатрлар учрайди. Казбион қалъаси бўлганлиги арман манбаларида ҳам қайд этилади.

Илк ўрта асрларда Касби шаҳри Насафдан-да улкан, гуллаб-яшнаган маъво бўлган. У Бухоро-Насаф-Термиз карвон йўлида жойлашганлиги туфайли йирик савдо марказига айланган. XIII аср бошида мўғуллар истилоси натижасида вайрон бўлган. XVI-XVII асрларга мансуб тазкираларда саййидлар хонадони яшаганлиги, улар орасида машҳур қози ва шоирлар бўлганлиги эслатилади.

XI-XII асрларда «нутқ ва фиқҳ оламининг сўнмас қуёши» — Амир Шамсиддин Султон Мир Ҳайдар яшаб ўтганлар. Тошларда шундай деб битилган...

Касаба уюшмаси етакчиси хабар беради:

«26 март куни Касби туманида Болалар спорти мажмуасининг очилиш маросими ҳамда Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган катта байрам тадбири ўтказилди.

Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев мажмуанинг рамзий калитини туман халқ таълими бўлими мудири Т.Саидовга топширди. Иншоотни қуриб битказишда жонбозлик кўрсатган фидоий қурувчиларга, ташкилотчиларга туман ҳокимлигининг совғалари топширилди.

Тадбирда тумандаги 2000 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга корхона, ташкилот, фермер хўжаликлари ва касаба уюшмалари ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 50 минг сўмдан омонат дафтарчалари, 155 бош қорамол, 3760 та парранда, касаначиликни ривожлантириш мақсадида 160 та тикув машинаси тарқатилди. Яқинда тўйлари ўтказилган 10 та кам таъминланган оиланинг келин-куёвларига имтиёзли микрокредитлар топширилди, боқувчисини йўқотган 31 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилиб, уларга ҳомийлар ҳисобидан 30 минг сўмдан омонат дафтарчалари тарқатилди. Тумандаги 9-, 10-, 40-мактаблар жамоаларига компьютерлар совға қилинди.

Байрам тадбирида турли спорт мусобақалари, спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари уюштирилди. Туман маданият ва спорт бўлими томонидан ташкил қилинган байрам дастури, айниқса, пойтахтдан ва вилоят марказидан ташриф буюрган таниқли хонандалар — Дилноза Исмияминова, Бекмурод Жўраев, Сардор Раҳимхон, Юсуф Сайдалиев ва Адҳам Солиев каби хонандаларнинг чиқишлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди».

— Муболаға эмасми?

— Йўқ, йўқ!

Қачонлардир битилган шеърим хаёлимга келади:

*Туманим — жону таним,*
*Ғиркўким — аспим маним,*
*Сан-ла пайдо бўлгуси*
*Бор ҳунар, касбим маним.*

*Насабим, номим сен боис,*
*Насибам, ноним сен боис,*
*Сан маним Касбим маним,*
*Касбим маним,*
*Касбим маним.*

**Довуд МАҲДИЙ**

## Энг яқин дўстингиз — ўзингиз

***Мўмин мўминга кўзгудир.***

***Ҳурматингиз фақат сўзда эмас, хулқ-атворингиз, фикрларингиз, ҳиссиётларингизда яшасин.***

***Ким ҳақида қандай фикрда бўлсак ва ундан нимани кутсак, шундай муносабат оламиз.***

***Дунёда Сиз билан ўз хурсандчилигини баҳам кўришга, Сизни яхши кўришга тайёр турган одамлар сон мингта.***

***Ўзгаларга муносабатимиз — бу ўзимизга бўлган муносабат.***

# Сен — мен ми?

### *Ёлғизликдан бўлак йўқотадиган нимангиз бор?*

Кўпроқ кимга ишонасиз – дўстингизгами ё ўзингизгами? Қийин савол. Негалигини биласизми? Руҳшуносларнинг таъкидлашича, дўст — бу "мен"нинг иккинчи томони, холос. Бекорга киши табиати, диди, дунёқараши, одатлари ўзиникига ўхшайдиган одам билан дўст бўлмайди. Тан оласизми-йўқми ота-онангиз, эрингиз, рафиқангиз, фарзандингиз, ҳамкасбларингиз, хуллас, барча яқинларингиз сизнинг иккинчи "мен"ингиздир, сиз фақат ўзингизга ўхшайдиган одамлар қуршовида яшайсиз. Хўш, инсон ўзига ўхшаш одамлар билан яшар экан, нега улар билан ҳар доим ҳам тинч-тотув ҳаёт кечирмайди?

### *Ўзингизни севинг — севимли бўласиз*

Бир танишим доим одамлардан нолийди. Уникига девор-дармиён бўлиб янги қўшни кўчиб келди: яхши одамлар экан, ҳол-аҳвол сўраб туришарди. Узоқ вақт кўришмай у билан кўчада учрашиб қолдим. Қўшниси ҳақида сўрадим. "Э-э, одамларга ҳайронсан, бир кириб ҳол-аҳвол сўрай демайди. Бормисан-йўқмисан, ишиям йўқ, бурни осмонда". Кулиб: " Нега ҳайрон бўласан, ахир кўчиб келганида ҳам шундай дердинг. Мана, айтганинг бўлибди-да!" — дедим.

Ҳар ким қайсидир даражада бу камчиликдан мустасно эмас. Гўё биз яхшимиз-у, атрофдагилар яхшилигимизни билмайди, қадрламайди, уни суиистеъмол қилади. Доим ўзимиздан эмас, катталар кичикдан, келин қайнонадан, эр хотиндан, дўст дўстдан, баъзида, ҳатто кўча-кўйдаги нотанишдан айб қидирамиз. Биринчи навбатда ўзимизнинг эмас, бошқаларнинг тарбияси бизни хавотирга солади. "Қанийди, бош олиб кетсанг-у, сени тушунадиган одамни топсанг" — кўпчиликни саробга етакловчи ширин хаёл. Ҳа, бу — сароб. Кичик шаҳзоданинг саргузаштини бошдан кечирмоқчи бўлганлар, бу саёҳат нима билан тугашини биласизми? Ишонинг, сиз ҳам у каби ташқаридан нажот ва далда топгунингизча умрингиз бекор кетади. Ҳатто, бир аср яшаган тақдирингизда ҳам, ўз атиргулингиз, яъни "мен"ингизни "тикон"лари билан севмай туриб, дўст тополмайсиз.

Баъзан атрофдагиларга бўлган муносабатимиз — бу ўзимизга бўлган муносабат эканини унутамиз. Ўзингизга ўта талабчан ва бешафқат бўлманг — ўзингизни қадрлашга ўрганинг. Худди бошқалардек Сиз ҳам Аллоҳ яратган ўхшаши йўқ ва ҳурматга сазовор одам эканингизни унутманг.

Бизга доим "ёнингдагини сев" деб уқтиришади. Агар дўстимизни яхши кўришни истасак, аввало ўзимизни яхши кўришни билишимиз керак. Ўзимизни қанча қаттиқ яхши кўрсаккина, бировни ҳам шундай яхши кўра оламиз.

### *Ҳар бир одам — бир юлдуз*

Ҳар бир инсон — ўзига хос юлдуз: эрингиз, хотинингиз, ота-онангиз — ўхшаши йўқ, ажойиб, эътиборга лойиқ. Қўшнингиз, ҳамкасбингиз, фарзандингиз, қариндошингиз, кўчада ўйнаётган бола — азиз инсон.

Ҳар бир инсонни, ким бўлишидан қатъий назар, бетакрор ва ўзига хослигини тан олганингиздан кейин уларга нисбатан муносабатингиз ҳам ўзгаради. Шуни англагач, биз одамларга ҳурмат билан қараймиз. Одамлар ўзига хосликларини англаб етмасликлари мумкин, аммо биз буни билгач, шунга муносиб жавоб қайтарамиз. Ҳар бир инсонни у ўзини билганидан ҳам кўпроқ англашга ҳаракат қилинг. Ҳар инсон қалбида буюклик уруғи бор, унинг муаммолари, хато-камчиликлари оша ана шу ярақлаб турган ноёб жиҳатлари — яширин қуввати, қалби, ички гўзаллиги ва қобилиятини кўра олсангиз, сиз у одамнинг юксалиши учун имконият берасиз.

"Менинг ногирон дўстим бор эди, — деб ибратли воқеани сўзлаб берди устозимиз. — Мен уни хафа қилишдан қаттиқ қўрқардим. Чунки у салга жаҳли чиқар, баъзида юз-хотир қилмасдан қаттиқ гапириб мени ранжитарди. Шунда мен унга: "Биласанми, мен сендай дўстим борлигидан фахрланаман. Ҳатто, баъзи дугоналаримдан-да сенга кўп ишонаман. Худди опамга ўхшайсан, шундай яхшисанки" дедим. Кутилмаган гапларимдан у бир лаҳза қотиб қолгандай, кўзлари ялтирагандай бўлди. Самимий оҳангда, чин юракдан гапирганим юзидаги доимий тажанглик, норозилик ниқобини юмшатиб, табассум қилишга мажбур этди. Ҳар сафар унга раҳмим келаётганини билдирмай, роса мақтардим. Бир куни у менга: "Биласанми, ҳали ҳеч ким менга бундай гапларни айтмаганди" деб қолди. Шундагина мен унинг: "Мени ҳеч ким яхши кўрмайди" деб ўзини-ўзи яккалаб қўйгани сабабини тушундим.

Агар Сиз одамларни ҳурматга сазовор деб тан олсангиз, улар ўзларини шунга лойиқ тутишга уринадилар. Яхши жиҳатларни кўра олсангиз, уларнинг намоён бўлишига имкон берасиз. Балки улар фазилатлари ва ҳеч кимга ўхшамайдиган томонларини сезмай, ўзларини қадрсиз деб билар. Демак, уларга ижобий фазилатларини ёритувчи кўзгу бўлинг! Уларнинг мавжуд афзалликлари ва имкониятларини кўрсатинг. Ҳурматингиз фақат сўзда эмас, хулқ-атворингиз ва, албатта, фикрларингиз, ҳиссиётларингизда яшасин.

Инсон умри бебаҳо. Ҳар биримиз унинг яхши кечишига ўз улушимизни қўша оламиз. Ҳар бир одамга бетакрор ва ўхшаши йўқ шахс деб қаранг. Сизнинг ёрдамингиз кимнингдир ҳаётида катта бурилиш ясаши мумкин. Шу сабаб одамга қараганда, кўзингиз фақат унинг қиёфаси ва кийимини кўриш билан чекланмасин. Парда ортида қандай катта куч яширинганини ёдда тутинг. Ҳар кимнинг фақат ижобий томонини кўришга ҳаракат қилинг. Бизда ёрдамлашиш, севиш, баҳам кўриш, ҳамдардлик қилиш каби жуда катта имконият мужассам. Ундан фойдаланиш учун фақат истак керак, холос.

### *Бир-бирингизга меҳр кўрсатинг*

Инсон зоти жуда таъсирчан бўлади. Ишонмасангиз, ўзингизга эътибор беринг: арзимаган нарсадан кўнглингиз оғрийди, хафа бўласиз. Инсон кўнгли ўксиганда у ҳам бошқани хафа қилади. Мен ўзимни синчковлик билан кузатиб шу нарсага амин бўлдим. Кимнидир қаттиқ хафа қилганимда, ич-ичимдан дилим сиёҳ бўларди. Кейинги сафар Сизни хафа қилишганда, шуни ёдда тутинг. Сизни хафа қилган одам нимадан азоб чекаётганини ўзингиздан сўранг, унга меҳр-муҳаббат ва ҳамдардлик билан жавоб қайтаринг. У азобдан роҳатланаётгани йўқ. Қадим мақолда айтилгандек: бировнинг пойабзалида бир чақирим юриб кўрмасдан у ҳақида хулоса чиқарма.

"Менинг маърузамга қатнаётган бир аёл ҳамкасби билан келиша олмагани туфайли ишдан кетмоқчи эди, — деб ҳикоя қилади руҳшунос Жон Кехо. — Улар умуман бир-бири билан чиқиша олмас, ҳатто, гаплашмасдилар. Бир йил шундай ишлашгач, ўқувчим кетмоқчи бўлди. Лекин аёл ҳамкасби қандайдир дард туфайли шундай баджаҳл бўлиб қолганини тушунди, бошқа хафа бўлмай, у ҳақда ҳурмат ва меҳр



билан ўйлай бошлади. Ҳар сафар қўрс муомаласига меҳр ҳамда вазминлик билан жавоб қайтарарди. Хаёлан у ҳамкасбини кўнгли тоза ва меҳри дарё аёл, ўзининг энг яқин дугонаси деб тасаввур қиларди. Ва ниҳоят, ўқувчим ўша аёлнинг олдига келиб узр сўраб, дўстлашишни таклиф қилди. Лол қолган аёл ҳеч нима демади, аммо секин-аста унинг кайфияти ўзгара бошлади. Улар қиёматли дўст бўлиб қолишди."

Бундай воқеа жуда кўп бўлади. Ўз қарашлари ва фикрини ўзгартириб, қариндошлари ва ҳамкасблари билан ярашиб олганлар ҳақда эшитганлар оз эмас.

Инсон табиатан ўта таъсирчан бўлгани учун, ўзимиз ҳақимиздаги фикрларга жуда қизиқамиз. Агар яқин кишингиз, дўстингиз, ҳамкорингиз, ота-онангиз билан келишолмасангиз, шу инсон ҳақида онгингиз нима дейишига қулоқ тутинг. Балки унинг камчиликларини бўрттириб юбораётгандирсиз.

Муносабатларда ҳам ишончнинг кучи катта: ким ҳақда қандай фикрда бўлсак, нимага ишонсак, кимдан қандай муносабат кутсак шуни оламиз. Бунга руҳшунос Гулнора Акмалхўжаеванинг тажрибаси мисол бўлади: "Ҳузуримга бир аёл беш яшар ўғлидан нолиб келди: "Худди чўчқага ўхшайди, ҳеч тозаликка ўргатолмадим". Эътибор беринг, у ўғлини ҳар сафар кир аҳволда кўрса, "чўчқа" деб урушади. Болани нима деб атасангиз, у секин-аста шунга кўнади. Онгидаги "мен чўчқа эканман" деган фикр уни шундай тутишга сабабчи.

Ўз фикрларингиз билан тажриба ўтказишдан қўрқмасангиз, ҳар қандай муносабатни истаганча ўзгартиришингиз мумкин. Одамлар ҳақидаги хаёлий образингиз Сизни муносабатлар бошқарувчисига айлантиради. Бу имкониятни қўлдан бой бермай, бугундан одамларга муносабатингизни янгилаш орқали ўзгартиринг.

### *Ўзингизга лойиқ муносабат*

**1-қадам.** Кўнглингизга мос келадиган одамни тасаввур қилинг. Унда қандай хислатлар бўлишини истайсиз? Шу одамни энди ёнингизда турганини, хурсандчилик ва меҳр-муҳаббат онларини тасаввур қилинг. Агар ҳамкор излаётган бўлсангиз, унда сизга керак бўлган қандай иқтидор, билим ва тажриба бор? У билан ҳамжиҳат ишлаётганингизни тасаввур қилинг.

**2-қадам.** Сиз у одамга нима бера олишингиз ҳақида ўйланг. Унга таклиф қиладиган кўп нарсангиз бор. Яқин инсонингиз билан баҳам кўра оладиган, унга оғринмай тақдим этадиган нарсаларни тасаввур қилинг. Иш ҳамкорингизга қандай наф келтира оласиз? Фақат Сиз унга эмас , у ҳам Сизга муҳтож.

**3-қадам.** Кўринмас дўстингиз — онгингиз кўмагидан фойдаланинг. Ички овозингиздан у одамни қай тарзда учратишингизни сўранг.

**4-қадам.** Энди мана бу ҳақида мулоҳаза юритинг: дунёда Сизга ҳамроҳ бўлиб, Сиз баҳам кўрадиган нарсани олишга тайёр турган одамлар сон мингта. Сизнинг хизматингизни жон деб қабул қиладиган ҳамкорлар, бизнесменлар жуда кўп. Ёдингизда бўлсин, дўстингиз ҳам Сизга ўхшаш одамни излаяпти.

### *Бошқаларга ишонч ва дадиллик беринг*

Ҳеч қанча куч сарфламай атрофдагиларга қатъият ва ишонч ҳадя қилишингиз мумкин. Қўрқманг, бундан ўзингиз ҳам куч оласиз. Бошқаларга ишонч ва дадиллик бериш — бу атрофдагиларнинг ҳаётига аралашишнинг ўта самарали йўлидир.

...Аэропортда рейс кечиктирилгани ва унинг йўловчилари еттинчи шахобчага боришини эълон қилишди. Навбат кутиб турган йўловчиларнинг жаҳли чиқди. Аэрорпорт ходимаси жуда чарчаган эди ва ҳар бир баджаҳл йўловчига вазиятни тушунтиргани сари елкалари чўкиб борарди. Йўловчилар орасидан вазиятни кулимсираб кузатаётган киши аёлнинг кўнглини кўтарди: " Мен қилаётган ишингизни жуда қадрлайман,— деди чин юракдан. — Вазият ҳақиқатда оғир, лекин сиз ҳамма билан шунчалар юмшоқ оҳангда гаплашаяпсиз-ки! Мен сизга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Сизнинг касбингиз жуда масъулиятли, ўзингиз билан фахрланишингиз керак." Аёл уни кимдир тушунганидан енгил тортиб: "Раҳмат, Сиз менга етишмаётган нарсани бердингиз," деди.

Аёл энди гавдасини ғоз тутиб ишонч билан гапирарди. Демак, хушмуомала эркак унга етишмаётган кучни берди. Унга ўта муҳим бўлган ёрдамни беришнинг ҳеч қандай оғирлиги йўқ эди...

Бир оғиз сўз билан одамларнинг ишончи ва кайфиятини кўтара оласизми? Албатта, қўлингиздан келади! Сиз истаган одамга ёрдам қўлини чўза оласиз. Дўстларингиз ва фарзандларингизга ижобий куч-қувватингиз билан далда беришингиз мумкин.

"Сиз бизга кўрсатаётган бу хизматингизни жуда қадрлаймиз. Тушлигимизни ҳақиқий лаззатга айлантирасиз. Сиз ажойиб ошпазсиз."

"Сиз менинг энг ёқтирган ҳисобчимсиз. Кўрсатаётган хизматингиз мени қониқтиради. Кунингиз қалай ўтди?"

"Катта раҳмат!"

Ҳатто оддий: "Омадингизни берсин!" деган тилак самимият ва суҳбат қуриш истаги билан айтилса, ҳар қандай одамни руҳлантириб юборади.

Сиз ёнингиздаги одамга ҳеч нима демай туриб ҳам ёрдам беришингиз мумкин. Бир дўстим кўча-кўйда ҳеч кимга гапирмай, ўтган-кетганга хаёлан яхши ният юборишни хуш кўради. Яхшилик ва меҳр-муҳаббат ҳақида ўйлаш одамни озод ва дахлсиз қилади. Яхши гап ва мадад инсонга туганмас куч бағишлайди. Агар одамларни уларнинг ўзига хослиги ва кераклилигига ишонтирсангиз, бу уларга куч беради. Бир қарашда арзимас туюлган бу иш одамга нафақат бир кунлик, балки умрлик қувват бағишлайди.

### *Муносабатни ушлаб туриш керак*

Охирги марта қачон дўстингизга уни яхши кўришингизни айтгансиз? Қачон кимнидир берган ёрдами, дўстлиги, меҳри учун миннатдорчилик билдиргансиз? Муносабатингиз қимматини ошириб, уни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинг. Ичингиздан ҳис қилиб айтсангиз:" Мен дўстлигимизни қадрлаб авайлайман", деган сўзлар жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Дўстлик ва одамлараро яхши муносабатдан қиммат нарса йўқ дунёда. Кимгадир керак бўлган жойда бўлишга ҳаракат қилинг. Сиз ҳам одамларни қабул қилинг, уларни севинг. У Сизга қандай жавоб қайтаришидан қатъи назар уни яхши кўринг. Кимдир биринчи бўлиб бошлаб беришини кутманг. Ҳамма учун очиққўнгил бўлинг. Ахир, ёлғизликдан бўлак бошқа йўқотадиган нимангиз бор?

Юқоридаги гапларга қўшилишингиз ё уни рад этишингиз мумкин. Фикрларингизни ўз фойдангизга ишлатиб, одамлар билан тинч-тотув яшашингиз, ё аксинча, салбий фикрлар қули бўлиб ўзингизни ёлғизликка маҳкум этишингиз мумкин. Унутмангки, сизга дахлдор ҳар бир одам сизга ҳақиқий қиёфангизни кўрсатиб туради. Зеро, Пайғамбаримиз айтганларидек: "Мўмин мўминга кўзгудир".

**Гулгун СУЛТОНОВА**
**тайёрлади**

Маънавият сабоқлари

**_Ҳаётда ҳеч қачон тўғрилик билан эгрилиқ муроса қилолмайди. Чунки, бири ростгўйликка, иккинчиси ёлғонга таянади. Улар ўртасида муроса бўлиши мумкин эмас. Инсон ҳаётида, жамиятда, сиёсатда ва давлатлараро муносабатда юз бераётган қарама-қаршиликларга ана шу муросасизлик сабабчи. Агар улар ўртасидаги курашни кузатиб борсангиз, эгрилик ва унинг таянчи бўлган ёлғоннинг сурбетлик билан устунлик қилаётганини кўрасиз. Кўпинча, тўғрилик ва унинг таянчи бўлган ростгўйлик иложсиз аҳволда қолади. Шундай пайтда унга донишмандлик далда беради._**

# Тўғрилик ҳосили — саодат эрур

Донишмандлик халқимизға хос бўлиб, бу қадрият бизга аждодларимиздан мерос. Бундай меросдан ибрат олмаслик мумкин эмас. Эгрилик ҳосили — қабоҳат эрур, тўғрилик ҳосили — саодат эрур, деган экан бир Шарқ донишманди. Ҳақиқатан ҳам барча қабиҳ ишлар эгрилик туфайли содир бўлади. Тўғрилик эса фақат саодатга элтади. Шунинг учун ҳам Шарқ донишмандларидан бири Абдураҳмон Жомий шундай деган:

*Тўғрини де, тўғрини кўр, тўғри юр,*
*Тўғри эшит, тўғри гапир, тўғри тур.*

Қанийди, ҳаётда ҳамиша шунга эриша олсак. Лекин орамизда шундай одамлар бор. Уларга ҳавас қиламиз. Айниқса, ростгўйликларидан мамнун бўламиз. Саодатга эришганликлари шуки, борига қаноат қилиб, ҳалол-пок яшашади, бировларга яхшилик қилишади, бошқаларни ёмонликдан қайтаришади, тўғри юриб, тўғри туришади, ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат тўғри гапни гапиришади.

Одамлар тўғри гапнинг тўқмоғи бор, дейишади. Бироқ бу тўқмоқнинг заҳар-заққуми йўқ. У дилда асорат қолдирмайди. Шунга қарамай, аксарият кишиларга тўғри гап ёқмайди. Аксинча, кўпинча мунофиқона тилёғламалик ёки хушомад билан ниқобланган ёлғонга ишонамиз. Ваҳоланки, ёлғон ошкор бўлгач, дилда доғ қолади. «Эгри ўқ айлайди мерганни расво» дейди Саъдий Шерозий. Бироқ мерган — инсон буни кеч тушунади. Шунинг учун аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат, туққанингга ёқмасанг ҳам тўғри сўз яхши.

Яхшидур аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон, дейди бошқа бир шарқ донишманди. Ёлғон гапириш ва эгри йўлдан юриш инсонни ҳалокат сари етаклайди. Ҳадисда бу борада шундай дейилади: «Гапларнинг ёмони — бу ёлғончиликдир, ёлғонни ҳазил билан ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди. Ота ўз болаларига бирон нарсани ваъда қилиб, кейин уни бажармай қўймасин! Ростгўйлик эзгуликка бошлайди, эзгулик эса жаннатга. Ёлғончилик ёвузликка бошлайди, ёвузлик эса жаҳаннамга. Ростгўй одамга яхши баҳо, ёлғончи одамга ёмон баҳо берадилар. Ростгўй одам чин сўзи билан бориб-бориб Тангри ҳузурида сиддиқ (сўзида содиқ) деб ёзиб қўйилади. Ёлғончи ҳам бориб-бориб унинг ҳузурида каззоб (ёлғончи) деб ёзиб қўйилади. Чақимчилик ҳам ёмон иллатдур, чунки у туфайли одамлар ўртаси бузилади».

Хўш, шуни билатуриб, нега ёлғон гапирамиз?! Ўз манфаатимизни кўзлаб, қорани оқ, оқни қора деймиз. Мансаб-мартабадан ажраб қолишдан қўрқиб ўз айбимизни ўзгага тўнкаймиз: ўламан саттор бундан хабарим йўқ, деймиз. Баъзан ҳасаддан тўлғониб тўғрини эгри, эгрини тўғри деймиз. Орамизда таъмагирлик дардида ёлғоннинг ёғини ялаётганлар йўқ дейсизми? Бировларнинг орасини бузиш учун чақимчилик қилаётганлар-чи? Ана шундай иллатлар оқибатида оилалар бузилаётгани, ака-ука ва қариндош-уруғлар бегоналашиб қолаётгани, дўстлар душманга айланиб бораётгани, одамлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат йўқолиб бораётгани, баъзан меҳнат жамоаларида муҳит булғанаётгани, савдо-сотиқ ҳамда хизмат соҳаларида инсоф ва диёнат кўтарилаётгани бор ҳақиқат. Эгрилик ва ёлғон илдиз отган жойларда қистир-қистир авж олиб кетди. Илгари бу ибора отарчиларга нисбатан ишлатилар эди. Энди отарчилар тижоратга ўтиб, уларнинг ўрнини хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари эгаллашди. Ҳар қандай масалада борсангиз олдин «мумкин эмас»ни эшитасиз, агар сурбетлик қилиб тортишсангиз, «мутлақо мумкин эмас» дея гапга нуқта қўйишади. Борди-ю, озроқ қистирсангиз «сиз учун бир иложини қиламиз»ни эшитасиз, агар кўпроқ қистирсангиз «узр, ҳаммаси сиз айтганингиздек бўлади» дея илтифот кўрсатиб ҳам қўйишади. Бу нарса одат тусига кириб, оммавийлашиб ва илдиз отиб бораётгани ҳар қандай кишида жиддий ташвиш уйғотади.

Уй сотиш учун справкалар йиғасизми, уйланиш ёки турмушга чиқиш учун тиббиёт кўригидан ўтасизми, вокзал ёки аэропорт кассасидан билет олмоқчи бўласизми, турли хизмат идораларига зарурат юзасидан борасизми, турар-жой ширкатларига ишингиз тушадими, ҳатто вафот этган қариндошингизга қабристондан жой олиш учун борасизми, бунинг аҳамияти йўқ, қистирмасангиз ишингиз битмайди. Гўё бу кенг тарқалган юқумли касалликка ўхшайди. Эгрилик ва ёлғон уйғунлашиб кетганлигидан сарсон-саргардон бўлганларнинг оғзидан «бор-э, уйланмаганим бўлсин», «уйни сотганим бўлсин», «энди сантехникни чақирмаганим бўлсин» деган сўзларни тез-тез эшитиб турасиз.

Албатта, тўғрилик йўқ жойларда эгрилик ҳукмрон бўлади. Эгрилик бор жойда эса нопокликка йўл очилади. Ҳаммаси инсоннинг ўзига боғлиқ. Эгри ва нопок инсонларга ҳеч нарсани тушунтириб бўлмайди. Насиҳат қилсанг, устингдан кулади. Шунда Саъдий Шерозийнинг қуйидаги пурҳикмат сўзлари ёдга тушади:

*Покиза бўлмаса кимнинг қилмиши,*
*Ҳикмат сўзи билан тузалмас иши.*
*Нур ёғар насиҳат сўзламаса ҳам,*
*Туриши ибратдир покиза киши.*

Аллоҳга шукрки, орамизда туришининг ўзи ибрат бўладиган покиза инсонлар кўп. Бироқ, ҳаётда негадир уларга кўпам аҳамият бермаймиз. Аксариятимизга ёлғон бўлса ҳам хушомад ёқади. Айниқса, раҳбарларга. Кўп ҳолларда сиз ёқтириб юрган хушомадгўйнинг асл қиёфасини мансабдан тушганингиздан кейин биласиз. Хушомад тугул, у сизга ҳатто салом ҳам бермай қўяди. Унинг қўли эгри, сўзи ёлғон, мунофиқ одам эканлигини кейин биласиз. Буни ҳаётда ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Шунга қарамай негадир яна хушомадга учамиз.

Баъзи меҳнат жамоаларида муҳитнинг ёмон бўлишига хушомадда яширинган ёлғончилик ва чақимчилик сабаб. Бу, айниқса, одамларнинг тақдирига ёмон таъсир кўрсатади. Кўпинча раҳбар билан ходим ўртасидаги муносабатда одамнинг кимлигини билиш қийин. Агар ҳар бир ёлғонни мойлаб, мослаб, ўзига маҳлиё этиб гапирадиган ходим билан суҳбатлашсангиз, шубҳасиз хулоса чиқаришда адашасиз. Чунки, тўғри сўз одам айтадиган гапини ёғламасдан дангал айтаверади. Одатда хушомадга мойил раҳбарга бу ёқмайди. Аксарият ҳолларда биз бунга аҳамият бермаймизда, тўғри гапни тўмтоқроқ қилиб айтган одамга «бетга чопар» тамғасини босамиз ва ундайлардан ўзимизни «ҳимоя» қилиш мақсадида ёлғонга таянамиз. Яъни, уларга қарши ёлғон маълумот етказувчи айғоқчи-чақимчилардан фойдаланамиз. Нима ҳам дердик, хом сут эмган бандамиз-да!

Ҳаётни кузатиб шу нарсага ишонч ҳосил қиласизки, ёлғонга мойиллик жуссага ёки жинсга боғлиқ эмас экан. Баъзан ташқи кўринишдан мард йигитларни эслатадиган савлатли ва салобатли эркаклар қўшмачи аёллардек ёлғончиликни касб қилиб олганликларини кўриб энсангиз қотади. Беихтиёр: «ҳайф сенга эркаклик шаъни!» деб юборгинг келади. Улар ўзларининг бу хулқ-атворларидан ор қилишмайди. Аксинча, шундай мўмина ва мардона аёллар борки, бир оғиз бўлса ҳам ҳар қандай ёлғондан ҳазар қилишади. Ана шундай пайтда кимни шер ва кимни тулки дейишни ҳам билмай қоласиз. Аввало, шернинг терисини ёпиниб олган бўлса-да, думини ликиллатишни канда қилмаган тулкилардан ҳушёр бўлайлик.

Назаримда оддий одамлар орасида тўғрилари ва ҳалоллари кўп. Булар — деҳқонлар, ишчилар, ҳунармандлар, косиблар, хизматчилар, ҳалоллик билан пул топиб, тирикчилик ўтказадиган зиёлилардир. Умуман, тўғрилик ва ҳалоллик йўлини танлаган одамлар ўз ҳаётларидаги ҳар қандай вазиятда ҳам эгрилик ва ҳаромдан ҳазар қиладилар. Қадимда ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай. Ўн еттинчи асрда яшаган қаршилик шоир Сайидо Насафий косибчилик билан ҳаёт кечирган ва тўғри сўзликни ҳамма нарсадан устун қўйган. У ҳаётидаги энг оғир ва машаққатли дамларда ҳам ўз ғоясидан воз кечмаган. Насафий шундай деган:

*Ишда тўғриликка кимки таянса,*
*Мурод боғин сарви чиқади пешвоз.*

Агар ана шу ғояга бугунги кун нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, минглаб, миллионлаб оддий ва камтарин инсонлар тўғрилик ҳамда ҳалоллик йўлини танлаб, ўз касбкорлари орқасидан тирикчилик ўтказиб, мурод-мақсадларига етмоқдалар. Улар бу борада аждод-авлодларнинг асл қадриятларини авайлаб-асраб, бугунги авлодга ибрат қилиб кўрсатиб, келажак авлодга мерос қилиб қолдирмоқдалар. Бироқ, шуни очиқ эътироф этишимиз керакки, бизга ўзга юрт одамлари ҳукмронлик қилган йилларда маълум даражада ўзлигимиздан айрилиб, шарқона доноликдан, яъни ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ғоядан — тўғрилик ва ҳалолликдан чекиндик. Оқибатда қўшиб ёзиш, ёлғон маълумот бериш, кўзбўямачилик, ўз нўноқлигимизни ерга, об-ҳавога, она табиатга тўнкаш, таъмагирлик ва порахўрлик каби иллатлар эгрилик ҳамда ёлғон қиёфасида ҳаётимизга сингиб кетган эди. Афсуски, бу иллатларнинг айрим асоратларидан ҳали қутила олганимиз йўқ. Бу ҳақда турли даражадаги маърузалар ва маълумотларда, хабарлар ва ҳисоботларда очиқ-ойдин айтиляпти ҳамда ёзиляпти. Демак, тўғрилик билан саодатга эришиш учун ҳали кўп саъй-ҳаракатлар қилишимиз зарур.

Абу Шукур Балхий айтганидек, жаҳон тўғриликдан бўлмишдир барпо. Шундай экан, ишда-ю тижоратда, дўстлигу биродарликда, ҳамкорлигу ҳамжиҳатликда, муомалаю муносабатда, яъни ҳаётнинг барча жабҳаларида ва ҳар қандай ҳолатда аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат, тўмтоқ бўлса ҳам тўғрилик, озроқ бўлса ҳам ҳалоллик ва поклик яхшидир.

Мен тўғрилик билангина саодатга эришиш мумкинлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимни Саъдий Шерозийнинг ушбу пурҳикмат сўзлари билан якунламоқчиман:

*Жаҳонда тўғриликдан яхши иш йўқ,*
*Тўғрилик гулида тикану ниш йўқ.*

**Иброҳим НОРМАТОВ**

Табиат — онамиз

# УВОЛИ УРДИ

**_Куз охирлаб ҳаво совий бошлаган, совуқ қулоқ ва бурунни чимчилайди. Савруклик Мурод овчи азондан қашқа саманида чор атрофи туя ўркачини эслатувчи осмонўпар Нарвон тоғлари билан қуршалган Арчасой дараси томон йўл олди._**

**Кенг ва бепоён дарада тоғ какликларининг майин, мулойим ва ингичка сайрашлари ҳар қандай кишини ҳам ўзига ром этмай қўймайди. Сайроқи қушларнинг айёрлиги йўқ. Беозор жониворлар қиш бошланаётганида паст текисликларга учиб туша бошлайдилар. Бу овчига олдиндан маълум. Лекин улар милтиқнинг кетма-кет овозларидан безишиб, яна юқорига кўтарилишга мажбур бўлишади. Овчи эса дарҳол арғумоғи тизгинини ўша томонга буриб дараннинг турли ҳайвонларни эслатувчи тошлари, майин қамишзор ва қалин туяқоринларини оралаб ёлғизоёқ йўллардан бораркан, тепаликка етар-етмас какликларни бирин-кетин мўлжалга ола бошлади. Шунда сайроқи қушларнинг бир нечтаси тўдадан ажралиб, буталар орасига яширинмоқчи бўлди. Суюнганидан у арғумоғидан тушмай, жароҳатланган қушларни олиш учун энгашган ҳам эдики, кўлвор илонга кўзи тушди. Совуқ махлуқ вишиллаганича бошини кўтариб заҳрини сочишга шай турарди. Овчи қаттиқ қўрқиб кетди.**

**Баланд тепаликда эса какликлар ҳамон сайрашини бас қилишмас, уларни тингларкан, юраги эзилиб, виждони қийналганиданми ёки қўрққаниданми, ўзини ёмон ҳис эта бошлади. «Ўламанми уларни жувонмарг қилмасам. Бола-чақамни шу билан боқаманми?» деди ўзига-ўзи қаттиқ пушаймон бўлганидан. Илон унинг хаёлидагини сезгандек, кўздан ғойиб бўлди. У ҳам кейин овини чала қолдирганча ортига қайтишга тараддуд кўра бошлади.**

**Вақт ўтиши билан овчининг қўллари қалтирайдиган бўлиб қолди. Шунда у кексаларнинг «Беозор жониворларни нобуд қилишнинг уволи ёмон. Паррандаларнинг деви бўлади» деган гаплари ёдига тушиб ўйланиб қолди. Бу гаплар бекорга айтилмаган экан. Қари билганни пари билмас, дейдилар-ку. Шу-шу, Мурод овчи уч-тўрт йилдирки овга чиқмас, беозор жониворлар ҳам ундан озор чекмас, ҳатто қалин қор ёққанида қишлоқ ичкарисига ҳам оралаб турадиган бўлишди. Лекин у баъзида тоғларнинг гўзаллиги, ҳусни-латофати, сўлим табиати ҳамда шилдираб оқаётган чашма ва булоқларини қўмсаб қолганида ов қуролларисиз Арчасой дарасига йўл олар, бир неча кун баҳри-дили очилиб, ўзини енгил ҳис эта бошларди.**

**Абдулла САИДОВ**

Таъзим

***Аёл севикли ёр, вафоли умр йўлдош, садоқатли дўст. Бу зотда яна бир фазилат — тошдан-да мустаҳкам бардош, бағри бутунлик мужассам. Мен ўзим гувоҳи бўлган ана шундай фазилатлар соҳибалари ҳақида ҳикоя қилгим келди...***

## Меҳмондўстлик

**Одатда беш йил давомида олийгоҳда талабалик заҳматларини елкама-елка тортиб ўқиган қадрдондан яқинроқ биродар кам топилади. Хизмат сафари билан келиб ўзга шаҳарга ўрнашмасимданоқ гуруҳдошим Валижонни учратиб қолсам бўладими! Қўярда-қўймасдан уйига олиб кетди. Чоғроққина ҳовлида тураркан. Маош ҳисобига яшайдиган зиёли оиланинг оддийгина уй-жойи. Келин югуриб-елиб хизмат қилди. Икки нафаргина болалари бўлиб, уларнинг бор-йўқлиги билинмайди. Бир-биридан одобли. Саккиз-тўққизга кирган қизи онасининг ёнида ниманидир тикиш билан банд. Ўғли қўйга қарайди, сув беради, ем беради. Алламаҳалгача гаплашиб ётдик, ўтган-кетганларни эслашдик. Менинг эътиборимни бир нарса тортди. Негадир ичкари уйда тун бўйи чироқ ўчмади.**

**Эрта билан юз-қўлимни юваётсам, ташқаридан қўлтиғига нимадир қистирган ўғли салом бериб кириб келди. Келиннинг ҳай-ҳайлашига қарамасдан туфлини кийдим. Мезбон аёл қўлимга пиёлада чой узатди.**

**— Лоақал тонгги ризқингиз оғзингизга тегсин. Бироз кутсангиз мастава пишарди. — Сўнг хўжайинига тайинлади. — Албатта, ўша ерга кириб ўтинглар!**

**Мени кузатиб чиққан Валижон эллик-олтмиш қадам юрмасимиздан қўлимдан тутди.**

**— Энди хўп демасангиз илож йўқ. Ўн дақиқа вақт кетади холос. Бир хўпламдан мастава ичамиз, тамом-вассалом! Уйда пишириб улгурмаганга яраша тайёрини ҳам йўқ, дейиш гуноҳ.**

**Иложи йўқ, рози бўлдим. Маставани боплаб тайёрлашар экан. Бир донадан кабоб билан танаввул қилдик. Кун бўйи очиқмадим ҳам.**

**Кейинроқ билдим. Ўшанда ой охирлаб оила кармонининг таги кўриниб қолган экан. Келин бечора тун бўйи ўтириб бир жуфт дўппи тикибди. Ўғлидан таниш чеварга бериб юбориб, пулини Валижоннинг қўлига тутқазган ва «меҳмон»га нонушта буюртма қилган экан.**

## Дастрўмол

**Пойтахтга навбатдаги сафарим чоғида қадрдоним Шоюнус:**

**— Баҳромнинг ойиси ҳам ўтиб қолди, эшитмадингми? — деб қолди.**

**Аслида уйга тез қайтишим зарур эди. Аммо бу гапдан хабардор ҳолда фотиҳага бормасликка кўнглим бўлмади.**

**Гарчи Баҳром билан гуруҳдош бўлмасак-да, туғишгандек қадрдонлашиб кетгандик. Таътил маҳалларда бизнинг уйга биргаликда келиб юрар, дам олиш кунларини эса кўпинча уларникида ўтказардик. Баҳром уч ойлигида отаси урушга кетиб қайтмаган, онаси ўн саккизга кириб-кирмаган келинчак, қайнонаси ва гўдагини сабзавотчилик хўжалигида меҳнат қилиб боққанди. Баҳром она меҳнатларини рўёбга чиқарди. Илм соҳасида обрў-эътибор топди. Аммо умри қисқа экан, эллик ёш остонасида оламдан ўтиб кетди.**

**Менинг эътиборимни тортган нарса шуки, уйнинг тўрида таҳмонга йиғилган кўрпалар қаторида сув қоғозга ўраб тикилган рўмолча сақланар, опамизнинг (Баҳромнинг онасини биз шундай деб чақирардик) ўша рўмолчани артиб, тозалаб кўзларига суртганини бир неча бор кўрганман.**

**Бир гал сўраганимда одатда қувноқ, шўх-шодон юрадиган дўстим ғамгин тортган ҳолда:**

**— Ойимизга отамиздан қолган якка-ю ягона ёдгорлик шу экан, — дея жавоб қайтарганди...**

**Шоюнус билан Баҳромлар уйига йўқлаб бордик. Ҳовлида келин набирасини ўйнатиб ўтирган экан. Дуои фотиҳа қилдик. У кўзига ёш олган бўлди. Тўғри, ҳозир Баҳромнинг ўғиллари анча эпчил, ишбилармон йигитлар бўлган, қатор замонавий автомобиллар эгаси, дейишди. Мени таҳмон ёнидаги, опамиз тез-тез кўзларига суртиб турадиган дастрўмол қизиқтирарди. Жойидамикан? Келинойимиз, келинпошшалар ана шу бебаҳо ёдгорлик қадрига етишяптимикан...**

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Шанба учрашуви

# "Қалдирғоч"дан бошланган одим



*Қўшиқ — кўнгилларга гўзал ҳис-туйғулар олиб кирувчи мўъжизавий куч. Унинг сеҳрига асир бўлмаган, оҳангидан жунбушга келмаган қалб бормикан. Қўшиқ тинглаётган одам гўё ҳавода парвоз қилаётгандек завқ туяди. Бир зум ташвишларни унутиб, ўзини бошқа оламда ҳис қилади.*

*Мухлис дилидан жой оладиган ашулани куйлаш учун санъаткор ҳақиқий истеъдод соҳиби бўлиши лозим. Бу қобилият инсонда туғма бўлади. Хонишлари кўнгилларга ором улашаётган ҳофизларга нисбатан одамларнинг «Худо юқтирган санъаткор», дейиши шундан. Ёқимли овози билан элимизга танилиб келаётган ёш истеъдодли хонанда Алижон Исоқовнинг гўзал қўшиқларини эшитганда хаёлимиздан беихтиёр ана шундай фикр ўтади. У ижро этган «Ёр ўтдиму?», «Эрка қиз», «Айлонайин», «Остонангдан», «Ёнайин оташингда» сингари қўшиқлар кишини муҳаббатнинг ширин оғушидан баҳраманд этади. Улардаги дард, соҳир оҳангдан кўнгил мавжланади.*

*Ҳар қандай истеъдоднинг камол топишида етарли шароит, ижодий муҳитнинг хизмати беқиёс. Алижон санъаткорлар оиласида туғилиб ўсди. Ёшлигидан қўшиққа ошно бўлди. У номи нафақат Қашқадарёда, балки республикада овоза бўлган яккабоғлик Исоқовлар сулоласининг кенжа вакилларидан. Амакилари — Тўйчи ва Акмал Исоқовлар, акалари — Абдурашид, Абдураззоқ, Абдурауф, Абдумалик Исоқовлар санъат аҳли ичида катта ҳурматга эга инсонлар. А. Исоқов қўшиқчилик борасидаги дастлабки сабоқларни ана шу яқинларидан олиб, бугунги кунгача уларнинг қимматли маслаҳатларига таянади. Ўқувчилик вақтидаёқ «Қалдирғоч» оилавий дастаси таркибида бир неча бор республика ва собиқ иттифоқ миқёсидаги кўрик-танлов ва фестивалларда, телевидение орқали чиқишларда иштирок этган. Бу Алижоннинг мустақил ҳолда катта санъат остонасига қадам қўйишида муҳим ўрин эгаллади.*

— Болаликдан санъатга нисбатан ҳурмат руҳида тарбияланганим учунми, унинг муқаддаслигини бир зум ҳам эсдан чиқармайман, — дейди хонанда. — Халқ ашулалари ва мумтоз қўшиқларимизни маромига етказиб ижро этишни ёқтираман. Тўй ёки давраларда таклиф тушганда, бажонидил уларни жонли, тингловчига маъқул келадиган даражада куйлашга ҳаракат қиламан. Бунда менга устозлик қилган акаларимнинг сабоқлари қўл келади. Уларнинг кўмаги билан ижро маҳоратини эгаллашдан ташқари, ўз устимда ишлашни ҳам ўрганганман. Аллоҳ томонидан берилган истеъдодимни халққа хизмат қилдириш, санъатим орқали миллий қўшиқчилигимиз ривожига ҳисса қўшиш энг олий мақсадимдир. Шунинг учун ҳам ижодимда ўзбекона оҳанг, кўҳна ашулаларимиз ижроси катта ўрин тутишига доимо эътибор қаратаман.

***— Ёш хонанда сифатида замонавий қўшиқчилигимизга муносабатингиз қандай?***

—Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бугунги кун қўшиқчилик санъатимиз анча ривожланмоқда. Ёш санъаткорларимиз ичида истеъдодлилари ниҳоятда кўп. Ўзбек қўшиқчилиги ранг-баранг овозлар билан бойимоқда. Шу билан бирга, мусиқаси миллийликдан узоқ, матни саёз, ҳатто бачкана сўзлардан иборат ашулаларнинг кўпайиб бораётганлиги ташвишли ҳол. Бунга ўшанақа қўшиқлар ижрочиларининг устоз кўрмаганлиги асосий сабаб деб биламан. Лекин бу билан бутун ўзбек қўшиқчилигига баҳо бериш нотўғри. Миллий санъатимиз чуқур илдиз ва бой меросга эга. Уч-тўртта сохта хонанданинг «ижоди» билан у камбағаллашиб қолмайди. Аммо бунга қўл қовуштириб, лоқайд қараб туриш ҳам ўринли эмас.

Айтиш керакки, бундай аҳволни дунёдаги барча халқлар қўшиқчилигида кузатиш мумкин. Чунки жаҳонда «шоу-бизнес» деган фаолият кенг ёйилган. Санъатда бу енгил-елпи, жазавали қўшиқлар билан омманинг эътиборини тортиш орқали пул топиш кўринишида намоён бўлмоқда. Унга нисбатан қонуний чекловлар белгиланмаган. Шундай экан, қўшиқчилик маданиятини кенг тарғиб қилиш, халқимизга хос руҳни берувчи ашулаларни кўплаб яратиш билан бунга қарши курашиш мумкин. Юртимизда миллий қўшиқчилигимиз ривожига катта эътибор қаратилаётгани ҳам шунинг исботидир.

***— Кўпчилик хонандалар сингари сизнинг ҳам аксарият қўшиқларингиз мазмунини севги-муҳаббат ташкил этади. Айтинг-чи, ашулаларингиз мавзуини бойитиш ниятингиз йўқми?***

— Тўғриси, бу ҳақда ҳозир жуда кўп ўйлаяпман. Ватан ва она мадҳига бағишланган чиройли қўшиқлар яратиш энг катта орзуларимдан, десам хато бўлмайди. Аждодларимизга макон бўлган кўҳна заминимизнинг улуғлиги, бизни дунёга келтирган мўътабар зотнинг таърифини бирор нарса билан қиёслаш мушкул. Демак, ушбу мавзуларда куйланган қўшиқ ҳам кишида қандайдир бир ҳис уйғотиши керак. Бу борада жиддий изланаяпман. Насиб этса, мухлисларга янги ашулаларим билан манзур бўлиш ниятидаман.

***— Алижон, қўшиқ яратишнинг ўзига яраша машаққати кўп. Бу қийинчиликни енгишга қандай куч топасиз?***

— Ижод ҳамиша заҳматли меҳнатни талаб этади. Лекин унинг завқи ҳам бўлакча. Меҳнатинг самараси кўринганда чарчоқлар бутунлай унутиларкан. Қўшиқларимнинг халқ кўнглига етиб бориши мен учун улкан бахт. Ҳар сафар мухлисларнинг олқишини эшитганда янада руҳланиб, ижодий ишга шўнғиб кетганимни сезмай қоламан. Қийналган пайтларим ана шуларни кўз олдимга келтириб, тетиклашаман.

***— Ижодий ҳамкорларингиз ҳақида сўзласангиз.***

— Ёнимдаги созанда йигитлар ҳамма вақт менга яқин суянчиқ бўлишади. Қўшиқларимнинг чиройли чиқишида улар муносиб ҳисса қўшишган. Шунингдек, акам Абдумалик Исоқов ашулаларимга куй басталашда кўмак беради. Маҳоратли оранжировкачилар Ойбек Ҳайдаров ва Мақсуд Бекмуродов эса мусиқий безак ишларида ёрдамлашишади. Пойтахтга келиб ижодимни бошлаганимга ўн йил бўлди. Шунча вақтдан буён устоз санъаткорлар билан учрашиб, уларнинг маслаҳатларини олишга ҳаракат қиламан.

***— Келгуси режаларингиз қандай?***

— Юқорида уларнинг бир қисми ҳақида гапириб ўтдим. Айни пайтда қизғин ижодий иш билан бандман. Бу бевосита ана шу режаларни амалга ошириш билан боғлиқ. Янги қўшиқлар яратиш, уларни студияларда ёзиш ва клиплар ишлатиш каби юмушлар кўп вақтни олади. Ҳозир бир йўла иккита қўшиғим устида ишлаяпман. Биттаси деярли тайёр бўлиб қолди. Бундан ташқари, яқинда янги альбом чиқариш ва концерт дастуримни тайёрлашни режалаштирганман. Кўп меҳнат қилиш керак. Шу йўлда тинимсиз ҳаракатдаман.

*Ўз олдига улкан мақсадлар қўйган хонандани фақат қутлаш мумкин. Алижон Исоқов яхшиликка ишониб яшайди. Дилидаги эзгу ниятлари ҳамиша қўшиқ бўлиб одамлар юрагидан жой олишини истайди. Шунинг ўзи мақсад сари қўйилган катта одим эмасми? Демак, ана шу қутлуғ қадам, шубҳасиз, ўз ҳосиласини беради.*

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# Тошкент шаҳар прокуратураси фаолиятидан

***«Мастлик — ихтиёрий жиннилидир» деган экан бир донишманд. Афсуски, ҳар нарсага ақли етган инсон баъзан ана шу «ихтиёрий жиннилик» таъсирида кечирилмас жиноятларга қўл уради, кейинги пушаймондан эса наф йўқ. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, содир этилган қотиллик, босқинчилик, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш каби оғир жиноятларнинг аксари, айнан ичкилик оқибатида содир этилади.***

## Жаҳолат бандалари

Ҳамшаҳримиз Равшан Раҳимов ҳам ичкилик оқибатида содир этган қилмиши учун бугун жазосини тортиб ўтирибди.

Оиладаги кунора жанжаллардан безиб, икки боласи билан ота-онасиникига кетиб қолган хотинидан ўч олиш пайига тушган Равшан ўша куни яхшигина маст эди. Мастликда ваҳшийлашган бу йигит аввал пичоқ олиб, уни чархчига бориб обдон ўткирлатади. Турган гап-ки, «шайтон суви» таъсирида бўлмаганда бу ишга ҳеч қачон қўл урмаган бўларди. Сўнг хотинининг ота-онаси яшайдиган уйга йўл олади.

Хотини билан кўришиб, аввалига яхшиликча уйга қайтишини сўрайди. Унинг сабаббесабаб жанжалларидан зада бўлган хотини бунга кўнмайди.

Худди шуни кутиб турган Равшан ёнидаги пичоқни чиқариб вояга етмаган фарзандининг кўз ўнгида хотинини пичоқлайди. Жабрдийданинг чинқириғини эшитиб ёрдамга етиб келган қайнсинглисига ҳам бир неча марта пичоқ санчади.

Кўрсатилган тиббий ёрдам натижасида ҳар икки жабрдийданинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Маст ҳолатда икки инсон жонига қасд қилган Р.Раҳимов суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ёши қирқни қоралаб қолган Шуҳрат Ортиқовнинг маст ҳолда содир этган қилмиши эса бундан ҳам фожиали якун топди.

Ичиб олиб, ҳали икки ёшга ҳам тўлмаган фарзандини уриб оғир тан жароҳати етказган отани ким деб аташ мумкин? Бу ҳам етмагандай, бирга яшаб юрган никоҳсиз хотинини ваҳшийларча уриб-калтаклаган. Олган оғир жароҳатлар оқибатида аёл ҳаётдан кўз юмган.

Ш.Ортиқов судда марҳума хотинини хиёнат қилганликда айблаб, қотилликни мастлик таъсирида содир этганини баён қилган.

Суд Ш.Ортиқовга тегишли жазо белгилади.

**Рустамбек ҲАКИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи**

## Героинфуруш

### озодликда кўп юролмади

Нодир «Туркуаз» савдо маркази олдида атрофга олазарак қараб турган танишига «орқамдан юр» ишорасини қилиб, ҳолироқ жойга бошлади.

Ярим соат олдин Нодирга телефон қилиб бир «чек» топиб бермаса бўлмаслигини айтган бу одам икки марта судланиб улгурган Михаил К. эди.

Нодир Михаил узатган бир даста пулни санаб олгач, целлофан пакетдаги «дори»ни қўлига тутқазди-ю тезда ундан узоқлашди.

«Қизиқ, — ўйлади Нодир чўнтагидаги пулни пайпаслаб қўяр экан. — На ишининг, на яшашининг тайини йўқ бу одам героинга пулни қаердан топар экан? Лекин бу туркитаровати билан бир кун келиб мени сотиши аниқ...»

Нодирнинг кўнглидан ўтгани бўлди: озодликка чиққанига бир йил ҳам тўлмай у ўзини яна панжара ортида кўрди.

Героин хуморидан дағ-дағ титраганча шошиб уйига кетаётган кўзлари бежо Михаил милиция ходимларида шубҳа уйғотди. Тўхтатиб холислар иштирокида текширилганда, ёнидан ҳозиргина Нодирдан сотиб олган 0,367 грамм героин топилди.

Қисқа муддат ичида героинфуруш Нодир Ҳ. ҳам милиция идорасига келтирилди. Гувоҳлар иштирокида ўтказилган текшириш чоғида унинг ёнидан ҳам 0,0349 грамм «оқ ажал» — героин топилди.

Етти марта судланиб, жазони ўтаб чиққан Нодирнинг героинфурушлик фаолияти шу тариқа ниҳоясига етди. Суд ҳукми билан иккала жиноятчи тегишли жазога тортилди.

**Рустам РАҲИМОВ,**
**шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**



## Пойафзал ўғрилари

«Чилонзор буюм бозори» яқинидаги автомашиналар тўхташ жойи одатдагидай мижоз кутиб турган киракашлар билан гавжум. Бозордан чиқаётганларга такси хизматини таклиф қилаётган киракаш йигитлар тиним билмайди. Сабаби, рақобат кучли. Бир зумгина тўхтаб қолсанг бас, мижозингни бошқа киракаш илиб кетади.

Ижарага олган «Жигули»сида киракашлик қилиб юрган Ботир (исмлар ўзгартириб берилмоқда) дўсти Отабекни ҳам ўзига шерик қилиб олган эди.

Ҳарқалай, киракашлар орасида рақобат кучли, бир кишидан кўра икки кишида имконият кўпроқ. Отабек мижоз топади, Ботир эса уни ғизиллатиб манзилига ташлаб келади. Тушган пулдан дўстини ҳам бенасиб қўймайди.

Шу тариқа бинойидай тирикчилик қилиб юрган кунларининг бирида Отабек кўрсатган ҳунар бу икки оғайни нега «тирикчилик» учун бозор олдини танлаганлари сабабини кўрсатиб қўйди.

Мижоз чақириб турган Отабекнинг диққатини нариқорда турган бир машина эгаси багажига бир неча коробка пойафзални жойлаб, яна бозорга кириб кетгани тортади. У ўша одамни бир муддат кузатиб боради. Унинг бозор ичкарисига кириб кетганига ишонч ҳосил қилгач, тўғри бориб шериги Ботирдан машинаси калитини сўрайди. Ботир унга калитни бера туриб нима гаплигини сўрайди.

— Биттаси ҳозиргина бозор ичкарисига кириб кетди, багажи тўла қиммат туфли. Уни очолсам, туфлиларни «ухлатамиз», — деди Отабек қўли билан машина томонга ишора қилиб.

Илгари икки марта қамалиб чиққан, ўғирлик деган «ҳунар»дан яхшигина хабардор Отабек учун машина багажини очиш қийинчилик туғдирмади.

Атрофдагиларда шубҳа уйғотмаслик учун машина багажидаги қоғоз қутиларни шошмай, бамайлихотир туширади. Сўнг шу атрофдан ўтаётган аравакашни ёллаб, юкни Ботирнинг машинаси олдига олиб борди.

Юкни апил-тапил машинага юклаган икки оғайни тўғри «Қўйлиқ» бозоридаги таниш сотувчига олиб боришди. Таниши бу қимматбаҳо аёллар пойафзалини арзон нархга сотиб олар экан, «Ишқилиб, булар ўғрилик мол эмасми» деб номига сўраб ҳам қўйди.

— Хафа қилаяпсиз, бу ҳалол пешона тери. Бозордаги бир танишим қарзини тўлашга пул тополмай, эвазига шуни берди, — деди Отабек ролга кириб.

Хуллас, ўғирланган пойафзаллар учун таниши уларнинг қўлига 248000 сўм тутқазди. Пулни ўзаро бўлиб олишган пойафзал ўғриларининг хурсандчилиги узоққа чўзилмади.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг ҳукми билан улар тегишли жазосини олишди.

**Лола Шомуротова,**
**шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

## Эхтиёт бўлинг, фирибгар!

Фирибгарлик ҳам ўғирликдай бир гап, бир ўрганган одам уни тарк этиши қийин, дейишади кўпни кўрган инсонлар. Ҳамшаҳримиз Абдурауф Пўлатов ҳам бир бор фирибгарликка қўл уриб, мумай пулга эга бўлгач, бу одатни ташлай олмай қолди. Яхшиси, унинг «фирибгарлик одиссеяси»ни бошидан баён қилайлик.

Ҳамшаҳримиз А. Рафиқов дўкон қуриш учун қулайроқ жой қидириб юрган кунларнинг бирида Абдурауф Пўлатов билан танишиб қолади. Гап орасида шаҳар ичидан дўкон қуриш учун ер олиш нияти борлигини айтиб ўтади. А.Пўлатов эса «бу муаммо эмас, ҳал қилса бўлади» дейди жиддий туриб.

Унинг гапларига лаққа ишонган А.Рафиқов «Чилонзор» метро бекати яқинидаги икки сотих ер учун қандай қилиб унга 11.000 АҚШ долларини санаб берганини ўзиям билмай қолади. Тўғри, А.Пўлатов бу пулни санаб олгунга қадар бирмунча елиб-югурди. Уни ўша жойга олиб бориб, дўкон учун берилажак икки сотих ерни кўрсатди. Янаям ишончлироқ бўлиши учун кунора телефон қилиб, иш ҳал бўлиб қолаёзганидан хабар бериб турди. Ҳатто аллақандай муҳрлар босилган ҳужжатларни ҳам кўрсатди.

Хуллас, А.Рафиқовни 11.000 АҚШ долларига чув тушириб кетди. Шундан кейин фирибгарлик орқасидан ҳам яхшигина пул топиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилган А.Пўлатов таниши Д.Тошмуҳамедовга уй-жой қуриш учун ер олиб беришни ваъда қилиб 6.000 АҚШ долларини олади. Д.Тошмуҳамедов пулдан ҳам, ердан ҳам қуруқ қолади.

Бу билан ҳам қаноатланмаган А.Пўлатов Д.Тошмуҳамедовни ишга солиб фуқаролар А.Файзиев ва Т.Шукуровларни ҳам чув туширади. Уларга Шайхонтоҳур туманидаги «Ипакчилик» маҳалласидан уй-жой қуриш учун ер олиб беришни ваъда қилиб, 14.000 АҚШ долларини алдаб олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

Ердан умидини узган жабрдийдалар, ҳеч бўлмаганда пулларини қайтариб олиш учун А.Пўлатовнинг уйига қатнаб чарчашди. Шундан кейин улар ҳуқуқ-тартибот органига мурожаат қилишга қарор қилишади.

Агар ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан бу фирибгарнинг «фаолияти»га нуқта қўйилмаганда, ким билади яна нечта ҳамшаҳримиз унинг фирибгарлик тўрига тушар эди.

«Суперфирибгар» А. Пўлатов Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан тегишли жазога тортилди.

**Ойбек МИРТЕМИРОВ,**
**шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

***Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунларга ҳурмат ва қонун устуворлигига ишонч руҳида тарбиялашда иштирок этиш прокуратура органларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Тошкент шаҳар прокуратураси фаолиятидан берилган материаллар ушбу мақсадга хизмат қилади.***

*Мен сенга демонки, тарки ишқ эт, лекин,*
*Андоқ қилким, сўнгра пушаймон бўлма!*

*Бобур*

Алишер Ибодинов

# СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...

**(Қисса)**



Туни билан эзиб ёққан ёмғир тонгда тинди. Бироқ, осмоннинг қовоғи очилгани йўқ. Залворли булутлар хуршиди оламнинг юзини тўсган. Этни жунжиктирадиган, лекин шашти паст шамол эсиб турарди. Бекмирза ётган жойида бошини кўтариб, деразадан ташқарига бир қаради-да, яна ёстиққа ўзини урди. Хона иссиқ, сокин. Девор соатининг одатий «чиқир-чиқир»игина жимликни бузади. Бекмирза уёққа тўлғонди, бу ёққа тўлғонди, барибир уйқуси келмади. Кўп ўтмай ҳовлида йўтал товуши эшитилди. Бу Моҳигул. Бекмирза ака наинки хотини Моҳи, балки бу уйдаги барчанинг йўталини бир-биридан ажратади, танийди. Худди шу фикрнинг тасдиғидай Моҳининг бўғиқ, ҳирқироқ йўталига нариги айвондан чиққан ингичка, калта йўтал жавоб берди. Бу келини Нисохон. Яна ярим соатлардан сўнг ўғли Тоҳиржоннинг гулдурос йўтали янгради, у Нисо юз-қўл ювгани иситадиган сувни кутиб ётади, сув исигач Нисо келиб, деразадан «дадаси, таҳоратингизга иссиқ сув тайёр» дейди. Тоҳир гулдурос йўталганича чопонини елкасига ташлаб, мис чойнакдаги илиқ сувни қўлга илиб ҳожатхонага йўрғалайди... Шаҳар иситиш тармоғидан бу ерга сув етиб келмади. Ҳаммомни ҳар куни иситиш эса қимматга тушади. Сўнг невараларнинг йиғиси, Нисонинг қай бир боласини жеркиб, шапатилаши эшитилади. Қўш қаватли уйнинг зинапояси эса Бекмирзанинг эрдан ажраб, анчадан буён икки боласи билан ота уйида яшаётган қизи Севаранинг шиддатли, негадир доимо аламли туюладиган «так-тук, так-тук» оёқ зарбларидан нола қилаётгандай овоз чиқаради. Унинг йўтали ҳам оёғи товушидай ғазабнок, аламли, аллақандай «хиқ! хиқ!»... Гўё эзилиб йиғлаётган одамнинг ҳиқиллашидай...

Сўнг ғала-ғовур бошланади. Нонушта, болаларни мактабга, Тоҳирни, Моҳини, Севарани ишга жўнатиш можароси бошини тутади. Устига устак Тоҳирнинг, Севаранинг, Моҳининг хоналарида телевизор вағирлашни бошлайди. Тавба, булар ўзи тун ярмидан оғмагунча телеэкран қаршисида гоҳо мизғиб, гоҳо хушёр ўтиришган, тонг сахардан яна ўша худолари пойига тиз чўкишади. Ярим соатлар чамаси давом этган бу можаро ҳам якунлангач, Бекмирзанинг хонасига полга тез-тез босилаётган шиппак товуши яқинлашади.

— Дада, ассалому алайкум. Яхши ётиб турдингизми. Чойингиз тайёр... — Нисонинг товуши меҳрибон. Унда ҳамдардлик оҳанглари кучли. Ҳа, Худога шукур, келини жўяликкина, уйдаги барча рўй берган можароларга қарамай, қайинотага ҳурматини сақлаган...

— Хўп, қизим, ҳозир...

Нонуштадан сўнг у ҳовлига чиқди. Куртаклари эндигина бўртиб келаётган турли нав ўриклар, қашқар гилос новдаларида ҳали ёмғир суви иниб турибди. Кўш қават, пишиқ ғиштдан замонавий қурилган ҳайбатли иморатнинг тунука томида ҳам биллур томчилар пастга энади, Нисо гир атрофи иморатлар билан ўралган ҳовлидан кун чиқарда жойлашган молхонада сигир соғаяпти. Кимдир ўрнатган одатга мувофиқ бу уйда сигир эрта саҳарда эмас, аксинча, ҳамма юмушга жўнаб, ҳовли холи қолгандагина соғилади...

Бекмирза негадир кўчага қараб юрди. Ҳашаматли дарвозадан чиқиб, атрофга аланглади. Тунги ёмғир аямай ювган асфалт йўл ялтираб, кулиб ётарди. Кўча қирғоғидан ўтган ариқда эса юзасига шох-шабба, хашаклар илиб олган лойқа, бўтана сув тошгудек тўлиб оқаяпти. Онда-сонда ўтиб турган машиналарни ҳисобга олмаса, кўча кимсасиз. Шу аснода Бекмирзанинг кўзи ариқдаги сув юзасида, хас-хашаклар орасида қалқиб келаётган оқ бир нарсага тушди. Воажаб, бу... Бу қоғоз кема-ку! Оддий ўқувчилар дафтари варағидан ясалган, ичига аллақандай суратлар туширилган қоғоз кема! Шошиб оқаётган лойқа сув сатҳидаги қоғоз кема гоҳ гир айланар, гоҳ шохшаббаларга туртинар, гоҳ майда тўлқинлар бағрида каловланар, бироқ, ғарқ бўлмай оқиб... йўқ, йўқ худди улкан дарё мавжларидаги ҳақиқий кемадай сузиб келарди! Бекмирзанинг хаёлига ариқда оқиб келаётган қоғоз кемани кўрмаганига ҳам анча йиллар бўлгани келди. Негадир ҳозирги болалар қоғоз кемалар ясашмайди. Ариқлар ва сойларга ўзлари ясаган кемаларни қўйиб юбориб, ўжар, майда тўлқинлар оша сузаётган кемалари ортидан қийқириб қувишмайди. Бекмирзанинг болалигида эса бундай ўйинлар жуда кўп эди.

У беихтиёр ариқ ёқалаб қоғоз кема ортидан юрганини сезмай қолди. Мана, қоғоз кема қўшни ҳовли кўприги тагидан ҳам эсон-омон ўтиб олди. Гўё кўприк тагидан муваффақиятли ўтиб олгани учунми, сув юзасида рақсга тушгандай «гир» айланди-да, яна олисларга сузиб кетди...

* * *

«Шомирза» йўл-патрул хизмати пости серқатнов йўллар чорраҳасида жойлашган. Юксак Помир тоғлари бағридан чиқиб, Сирдарё соҳилларига кетган Водил-Ёзёвон ва Андижон-Тошкент йўллари шу ерда кесишади. Кундуз соат 10. Февралнинг сўнгги кунларидан бири. Гарчи осмонни булут қоплаган, қуёш кўринмаса-да, ҳаво илиқ.

— Яна ёмғир ёғади-ёв, осмоннинг қовоғи солиқ, — дея норози минғирлади эрталаб постни қабул қилиб олган Сайфиддин Иномов шериги Толибжонга.

— Э, нимасини айтасиз, — тўнғиллади Толибжон.

Ҳа, ёмғир қуйиб турса ҳаракат хавфсизлиги сусаяди, қолаверса, катта йўлдан «ғиз-ғиз» ўтаётган машиналар назоратини ҳам қоидасидан чиқмай бажариш мушкул. Ҳужжатида анча-мунча нуқсонлар бор, машинасига ноқонуний юк ортган ҳайдовчиларга эса Худо беради. Иккаласининг ҳам кайфияти шу тариқа суст ва зиқ ҳолатда эди. Шу аснода йўлда Андижон тарафдан катта тезликда келаётган қора «Мерседес» кўринди.

— Толиб, тўс-чи анавини, энасининг уйига шошяпти шекилли занғар...

Толиб олатаёғини олиб йўл четига чиқди.

«Мерседес» ҳайдовчиси постни кўриб тезликни пасайтирди-ю, лекин энди кеч, ўлчагич асбоб аллақачон қоида бузилганлигини қайд этиб улгурган эди. Машина постдан хиёл ўтиб тўхтади. «Мерседес»дан олифта кийинган, хуш мўйлов йигитча тушиб, ходимлар томон дадил одимлади. Машина ичида яна уч киши ўтирарди. Ёши олтмишлар чамасидаги, оқсоч бошига бахмал дўппи қўндирган, қора кўзойнакли салобатли одам уловдан тушди. Лекин у ҳайдовчининг ортидан юрмади, йўл ёқасидаги ўриксор боғларни томоша қилиб қолаверди.

Йигитча йўл ҳаракат хизмати ходими билан қўш қўллаб сўрашди, ходим ва ҳайдовчи орасидаги анъанавий муомала бошланиб кетди.

Сержант бу хатти-ҳаракатлардан машинанинг унчалик «катта» одамларга тегишли эмаслигини пайқади-да, энди ҳайдовчидан назарини узиб, тоғларга қаради. Бунақа пайтда ходим билан ҳайдовчининг муомаласига аралашмаган маъқул... Водил йўлидан пост томонга бир отлиқ келарди. Чавандоз отни ўз ҳолига ташлаб қўйган, зулукдай қоп-қора от «босайми-босмайми» мақомида туёқларини эринибгина кўтариб туширар, гоҳ йўл четидаги дарахтлар шохларига оғиз солар, баъзан йўл ўртасига ҳам интилиб қоларди. Кунлар хиёл исиб қолганига қарамай, чавандознинг бошида мўйна телпак, эгнида қимматбаҳо чех пўстини. Отнинг зотдор қорабайирлигини кўриб, Сайфиддиннинг чавандозга қизиқиши ортди. Ҳа, асл қорабайирлар ҳозир жуда кам... Бу орада чавандоз йўлни кесиб ўтиб, постга яқинлашди. Афтидан ёши элликлардан ошган, кўринишига қараганда ўзига тўқ одам. Ёмғир ёғиши аниқ бўлган бу ярамас об-ҳавода бундай одам нега от миниб кўчага чиқди экан?... От Сайфиддиннинг олдига келиб тўхтади.

— Ассалому алайкум, — деди Сайфиддин негадир шошиб. Чавандоз саломга алик олмади. Қуюқ қора қошлари остидаги қисиқ кўзлари аллақандай чақнаб милиция ходимига тикилди.

Сайфиддин ўзини йўқотди. Ким бу одам?

— Келинг... — деди у ҳар эҳтимолга қарши каловланиб. Чех пўстинига ўралган одам Сайфиддиндан қаҳрли назарини узмаган ҳолда чўнтагидан пичоқ чиқарди... Толиб билан баҳслашаётган қоидабузар ҳайдовчи ҳам, Толиб ҳам, Сайфиддин ҳам илон авраган бақадай қотиб қолишди. Чавандоз эса пичоқни қинидан суғурди...

— Кечирасиз, — дея негадир бидирлади Сайфиддин, — хизмат?..

Чавандоз Сайфиддиндан кўзини узмасдан ўткир пичоқ тиғини ўз томоғига қадади. Сўнг куч билан пичоқни томоғига босиб, ўнг томонга тортиб юборди!

Қирқилган томоқдан шариллаб қип-қизил қон отилди! От бирдан чўчиб, бошини илкис тепага кўтарди. Сўнг кишнаганича, сувлиқни чайнаб турган жойида гир айланди-да, юқорига, баланд тоғлар томонга чопиб кетди.

«Мерседес»дан тушиб атрофни томоша қилиб турган қора бахмал дўппили одам ҳаммадан аввал вазиятни англаб улгурди шекилли, от йўлига югуриб чиқди. Чавандознинг қўлидан жилов чиқиб кетган, ўзи чап ёнбошига оғиб борар, жон талвасасида эгар тумшуғини иккала қўли билан чангаллаб олган, томоғидан оқаётган қон сариқ чех пўстинини этакларини бир зумда қорайтириб юборган эди.

Қора бахмал дўппили одам от бўйнида дилдираб, уёқ-буёққа оғаётган жиловга осилди. Бироқ бақувват қорабайир унга бўй бермади. Калласини юқорига ирғаб-ирғаб елишда давом этди. Шу аснода отлиқнинг ўнг оёғи узангидан чиқиб кетди ва у чапга оғиб жиловга осилган қора бахмал дўппилининг устига қулади. Дўппили одам чап қўли билан жиловни маҳкам ушлаганича ўнг қўли билан устига ағанаган отлиқнинг елкасидан қучоқлаб олди. Бироқ шу аснода оёқлари чалишиб жилов ҳам, от ҳам қўлидан чиқиб кетди... Отлиқнинг боши асфальт йўлга тўқиллаб тушди. Бахмал дўппили шу вазиятда ҳам ўзини йўқотмади. Оний дақиқалар орасида бир амаллаб от туёқлари остидан ўзини четга олишга улгурди. Отлиқнинг боши, қўллари беш-олти метр асфальтни сузиб борди-ю, иккинчи оёғи ҳам узангидан бўшалди...

Сайфиддинлар унинг олдига югуриб боришганда нотаниш отлиқ тирик эди. Дўппили одам чала кесилган, қон шариллаб оқаётган бўғизни дарров белбоғи билан маҳкам боғлади. Ярадорни шоша-пиша «Мерседес»га ёткизиб, туман марказидаги шифохона томон ўқдай учишди....

* * *

Бекмирза яна уйга қайтиб кирди. Келин ҳамон куймаланиб юрибди. Ҳа, ҳайҳотдай ҳовли, мол-ҳол, ўзининг уч, бева қайнсинглисининг икки боласи ташвиши... Ҳа, шу боланинг сабр-тоқатига офарин, агар бошқа келин бўлса, бу уй тинимсиз ғавғо маконига айланарди, ё келин деган оила аъзоси аллақачон икки, э, қўйинг, уч бор янгиланган бўларди...

Тоҳир ёлғиз ўғил, лекин эрка, шўх-шалтоқ ўсмаган. Эсини таниши, катта ҳаётга қадам қўйиш йиллари кўпроқ онаси ёнида бўлди, шу боисми феъл-атворида аёлларга хос куюнчаклик, озгина ғийбатга мойиллик, қолаверса, кетини ўйламай, даб-дурустдан қарор чиқариш каби нуқсонлар илдиз отган. Отани ҳурмат қилса-да, лекин она чизган чизиқдан ҳатламайди. Севара ҳам бу борада акасидан қолишмайди. Рўзғорининг бузилишига ҳам шу ўйламай иш қилиш, ўйламай турли гап-сўзни чуваш, ўйламай қарор чиқариши сабаб бўлди. Йўқса, куёв жўяликкина, ишчан, эпақадаги йигит эди. Қайнота-қайнонанинг ғийбатини қилавериб, Севара охири уни ҳам уйдан тўйдирди... Рўзғордан кўнгли барбод бўлган йигит ичкиликка берилиб кетди... Ота-она икковини бир амаллаб шаҳарнинг янги мавзесидаги «дом»лардан бирига кўчириб қутилишди. Бироқ «дом»да куёв баттар бўлди. Кунига хонадонда қий-чув, маст бўкириш, Севаранинг чинқириғи, болаларининг «додвой»... Охири Моҳигул қизини икки боласи билан уйга олиб келишга мажбур бўлди. Бу ҳақда Бекмирзадан ҳатто бирор оғиз маслаҳат ҳам сўрашмади. Бекмирза бир кун сафардан қайтса шу гап... На қуда томондан биров «нима гап?» деб келди, на куёв ароқ ичишдан бўшаган пайтда бир оғиз «Севара, қайдасан»? деб сўради... Шу тариқа орадан уч-тўрт йил ўтди. Бекмирза индамади. Моҳигул ҳам, Севара ҳам жим... Кейинги беш-олти ой ичида эса Бекмирза бу хонадонда бегонадай ҳаёт кечирарди. Наинки рўзғор, балки оиланинг мулкий муносабатлари тизгинини ҳам Моҳигул ўз қўлига олган. Шаҳарнинг марказий бозоридаги кийим-кечак дўкони ҳам, Гулистон мавзесидаги озиқ-овқат ва спиртли ичимликлар дўконлари ҳам унинг тасарруфида. Тоҳир иккита сотувчи қиз билан Гулистон мавзесидаги дўконларни, Севара эса Марказий бозордаги дўконни бошқаради. Дўконларни мол билан таъминлаш, солиқ ва бошқа идоралар билан муомалани Моҳигул олиб боради. Хуллас, Бекмирза бир сўмлик қоғоз пулдай бору, лекин, яроқсиз нарсага айланган... Моҳигул эри билан гаплашмайди. Тоҳир билан Севара кўрсалар салом беришади, лекин муносабат саломлашишдан нарига ўтмайди. Ҳолбуки, шу икки болани одам қиламан деб Бекмирза бошини не-не шўришларга урмади...

*(Давоми бор)*

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ



*Тармоқ меҳнаткашларини ҳамда барча фуқароларни меҳр-мурувват айёми, орзу-умидлар рамзи бўлмиш Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади!*

***Барчангизга омад ва муваффақият ҳамиша ёр бўлсин!***



Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

# ИККИ БУЮК БОКСЧИ: ИККИ ХИЛ ОРЗУ



**14 апрелни барча спорт ихлосмандлари орзиқиб кутаётгани аниқ. Чунки шу куни профессионал бокс бўйича супер оғир вазнда WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони россиялик Николай Валуев ва чемпионлик камарига даъвогар, ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Руслан Чагаевлар ўртасида жанг бўлиб ўтади. Германиянинг Штутгарт шаҳри Porsche Arena спорт мажмуасида ўтадиган ушбу жанг олдидан ҳар иккала боксчи журналистларнинг саволларига жавоб беришган.**

**Эслатиб ўтамиз, Николай Валуев профессионал рингда 47 та жанг ўтказиб, 46 ғалабага эришган ва бир дуранг натижа қайд этилган. Ғалабали жангларининг 34 тасини нокаут билан тугатган. Руслан Чагаевда ҳам бирорта мағлубият йўқ. 22 та ғалаба ва 17 нокаут мавжуд.**

## ВАЛУЕВНИНГ ОРЗУСИ

**— Николай, сизнинг жуссангиз шунчалик каттаки...**

**— Ҳа, ростдан ҳам бу фикрингизга қўшиламан.**

**— Биз ҳозир шарқий Берлиндаги спорт залларидан биридамиз. Жангга шу ерда ҳозирлик кўришга аҳд қилибсиз-да?**

**— Ҳа, мураббийим билан жиддий рақиб ҳисобланган Руслан Чагаевга қарши навбатдаги жанг учун айнан шу ерда тайёргарлик олиб боришни лозим топдик.**

**— Уни ютишингизга ишонаяпсизми?**

**— Ютқазмоқчи эмасман.**

**— Сиз Владимир Кличко билан жанг ўтказишга қандай қарайсиз?**

**— Жанг ўтказишга розиман ва Кличкони рингда кутаман! Муштларим жангга тайёр!**

**— Ёки Маске билан учрашсангиз яхши бўлар... Маскенинг қайтишига қандай муносабат билдирасиз?**

**— Маске мен учун фахрий боксчи ҳисобланади. Унда бокс оламида улкан имкониятлар бор, деб ўйламайман!**

**— Маскенинг қайтишини фақат пул учун деб ўйлайсизми?**

**— Албатта, орадан 10 йил ўтиб, қўлига катта суммадаги чекни олиш ёқимли—ку.**

**— Келинг, яна сизга қайтайлик. Яқинда иккинчи бор ота бўлдингиз. Табриклаймиз.**

**— Раҳмат! Лекин мен учун бу етарли эмас.**

**— Нега?**

**— Орзуларим ушалиши учун яна бир фарзанд етишмаяпти.**

**— Яъни, орзунгиз нима?**

**— Фарзандларим уч нафар бўлишини хоҳлайман!**

**— Рафиқангизнинг бундан хабари борми?**

**— Ҳа! Аммо у учинчи «раунд» олдидан бироз дам олиши лозим. Яна оғир жанглардан сўнг менга ҳам танаффус зарур. Негаки, «рингга янгича куч билан қайтиш лозим».**

**— Бу гапингиз яхши ўхшатиш бўлмади-ёв. Ёки шундай деб ўйлайсизми? Ота бўлиш ва бокс, ўхшайдими?**

**— Умуман олганда, ҳар икки ишнинг ўзига яраша оғирлиги бор-ку. Мен шуни айтмоқчиман.**

**— Турмуш ўртоғингиз жангларингизни кузатадими?**

**— Йўқ, қачонки жанг олди машғулотларни бошласам, биз бир-икки ой кўришмаймиз.**

**— Бунчалик узоқ танаффус... Зерикмайсизми?**

**— Йўқ, қўлларим машғулотдан кейин шунчалик чарчайдики, зерикишга ҳам вақт қолмайди.**

**— Кинога таклиф қилишса, рол ўйнармидингиз?**

**— Яхши таклиф бўлса, йўқ, демайман.**

**— Масалан, қандай ролда ўйнашни орзу қилардингиз?**

**— Генри Маскенинг ролини жон—жон деб ўйнардим....**

**— Яна бир қизиқарли савол. Сиз ҳеч офисда ишлаганмисиз?**

**— Офисда? Менда ҳеч қачон бир жойда ўтириш истаги бўлмаган...**

*Германиянинг «Bild» нашридан*

## Руслан Чагаев: «Бу ҳаётимдаги энг муҳим жанг бўлади»

Дунёдаги энг баҳайбат боксчи, «Рус айиғи» номини олган Николай Валуевга қарши жанг олдидан ҳамюртимиз Руслан Чагаев ҳам машғулотларда тайёргарликни маромига етказяпти. Гарчи ҳар икки боксчи гавдасида 28 см фарқ бўлса-да, бу юртдошимиз Руслан ва унинг мураббийини унчалик ташвишлантирмаслигини устоз-шогирд таъкидлаб ўтишган.

— Николай Валуевнинг бўйи нафақат мендан, балки барча-барчадан узунроқдир. Аммо у ҳам бир боксчи. Мен бундай муҳим жангни бутун умрим давомида кутганман ва рингда ўзимни кўрсатиб, ғалаба қозонишга ҳаракат қиламан. Жаҳон чемпиони бўлиш— энг катта орзуим ва буни уддалайман» —, дейди Руслан журналистларга берган интервьюсида.

Унинг мураббийи Михаэл Тимм ҳам шогирдининг фикрларига қўшилиб, боксчилар бўйи орасидаги тафовут ҳақида шундай деди:

— Биз вазн ва бўй борасидаги фарқдан келиб чиқиб, махсус тайёргарлик ишларини олиб боряпмиз. Аммо жанггача бу ҳақида гапиришни лозим топмайман.




*Жангга махсус тайёргарлик кетмоқда.*

## Мутахассисларимиз Русланга ишонишади

***Биз муҳим жанг олдидан бир гуруҳ бокс мутахассисларимизнинг фикрларини сўрадик.***



Дониёр Эргашев (чапда) WBA ташкилоти президенти Жилберто Мендоза билан.

***Дониёр Эргашев, Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси биринчи вице-президенти:***

— Николай Валуев ва Руслан Чагаев сиймосида дунёдаги энг йирик, обрўли бокс компаниялари, «Universum boxing promotion» ва «Sauerland Events»ларнинг етакчи боксчилари рўбару келаётгани билан ҳам жуда аҳамиятлидир. Жанг ҳар икки боксчи учун оғир ўтишини айтиш мумкин. Аммо Руслан ҳаваскор ва профи рингда чиройли жанглари, ажойиб зарбалари, тактикаси билан нималарга қодирлигини кўрсатган. Шунинг учун Чагаевнинг ғалабасига 60 фоиз овозни бераман. Ишонаманки, Руслан Чагаев Германиядан юртимизга жаҳон чемпионлиги камари билан қайтади.

***Шароф Худойбердиев, ҳаваскор бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи:***

— Албатта, бутун ўзбекистонликлар Русланнинг ғалаба қозонишини истаймиз. Чагаев техник ва тактик жиҳатдан бокс мухлисларининг қалбидан ўрин олиб келяпти. Унинг ғалаба қозонишига ишонамиз.

***Рустам Саидов, ҳаваскор бокс бўйича Сидней-1996 Олимпиадаси совриндори, 2002, 2006 йилларда ўтган Осиё Ўйинлари ғолиби:***

— Ватан шарафини муносиб ҳимоя қилиш спортчинииинг олий бахти. Руслан Чагаев ҳам, Николай Валуев ҳам бир-бирига совға эмас. Ҳар иккисининг ўз устунлик томонлари бор. Улар ўртасидаги жангда Руслан ичкарига кириб, яқиндан зарбалар беришга ҳаракат қилса, қўллари узун, ўзи ҳам баҳайбат бўлган Валуев уни яқинлаштирмасликка интилади. Ҳар иккиси ҳам рақибларига кучли зарбалар бера олиши билан тилларга тушган. Яъни, жанг жуда оғир ўтади. Ким ютишини ринг ҳал қилади. Худо хоҳласа, Руслан акадан ғалаба кутиб қоламиз.

***Шуҳрат Ҳайдаров, «Фавзул Мунаввар» бокс клуби президенти:***

— Русланнинг ғалаба қозонишини Яратгандан сўраймиз. Агар у жаҳон чемпиони бўлса, бу ўзбек профи боксининг янада ривожланишига жуда катта туртки бўлади.



**«Фавзул Мунаввар» бокс клуби президенти Шуҳрат Ҳайдаров (ўнгда) ва мураббийи Набижон Исманов.**

Футбол

## СИР ОЧИЛМАСЛИГИ УЧУН...

Ўтаётган ҳафтада Рауф Инилеев бошчилигидаги миллий терма жамоамиз иккита ўртоқлик учрашувида иштирок этди. Дастлаб, Хитой Тайпейида мазкур давлат термаси билан ўтказилган баҳсда ҳамюртларимиз қитъанинг кучсиз жамоаси устидан тўлалигича устунлик қилишди. Буни ўйин статистикаси ҳам кўрсатиб турибди. Яъни, учрашувда вакилларимиз тайпейиликлар дарвозасига 18 марта зарба беришган. Мезбонларда эса бу кўрсаткич 5 та. Зарбаларимизнинг фақат биттасигина гол билан якунлангани (Ҳикмат Ҳошимов, 52-дақиқа) учрашувни бизнинг фойдамизга ҳал қилди- 1:0.

27 март куни эса терма жамоамиз Макао давлатида жиддийроқ рақибга дуч келишди. Яъни, Осиёнинг кучли жамоаларидан бири бўлган Хитой термасига қарши учрашувда «Чин юрти» вакиллари 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Шарқий Осиёга бутунлай янгиланган таркибда, асосан миллий чемпионатда тўп сурадиган футболчилар билан ташриф буюрган Р. Инилеев сафар олдидан ўтказилган матбуот анжуманида Хитойга қарши учрашувда ўз сирларини очмасликни айтиб ўтганди. Чунки, миллий терма жамоамиз ёзда ўтадиган Осиё чемпионатида Эрон, Хитой ва Малайзия термалари билан бир гуруҳдан жой эгаллаган.



## ГЕЙНРИХ «ПАХТАКОР»ДА

Москванинг «Торпедо» жамоаси аъзоси ҳисобланган миллий терма жамоамиз ҳужумчиси Александр Гейнрих бу йил яна «Пахтакор» таркибида тўп суради. «Пахтакор»га бир йилга ижарага берилган Осиё Ўйинлари-2006 футбол турнири тўпурари (5та гол) жамоада 10 -рақам остида ҳаракат қилади.

## БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

Пекин-2008 ёзги Олимпиада баҳсларига чиқиш учун кураш олиб бораётган терма жамоамиз иккинчи босқичда ўз гуруҳидаги биринчи давранинг сўнгги учрашувини Жанубий Кореяда ўтказди.

Ўйинда корейс ҳужумчиси Хан Дон Вон 33 ва 84-дақиқаларда тўп киритиб, жамоаси ғалабасини таъминлади.

Гуруҳдошларимиз Яман ва БАА олимпия терма жамоалари ўртасидаги Сана шаҳрида ўтган ўйин амирлик футболчиларининг ғалабаси билан якунланди - 2:1.

4-тур учрашувлари 18 апрелда бўлиб ўтади ва унда олимпиячиларимиз кореяликларни қабул қилишади.

Саҳифани Акмал АБДИЕВ тайёрлади

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

# Олам ва одам

*Ҳовлингдаги дарахт қанчалик шохдор, серҳосил бўлмасин қўшнингнинг томорқасига соя ташлаб турса, бундан унинг хурсанд бўлмаслиги аниқ. Ахир томорқа- томорқада! Кундалик эҳтиёждан ташқари, иқтисодий муаммоларни бартараф этишда асқотиб турган имкониятдан ким ҳам айрилишни истайди. Америка қитъасида АҚШ улкан дарахтни эслатади. Мазкур дарахтнинг ҳосилидан кимлардир насибасини олаётган бўлса, яна бировлар унинг соясида қолиб кетмоқда.*

## Сояда қолган қўшнилар



Томорқасига офтоб тушмаганидан ғазабланган қўшнилар савлат тўкиб турган дарахтга тош отишни бошлашган. Бунга яқинда АҚШ президенти Бушнинг Бразилия, Уругвай, Колумбия, Гватемала ҳамда Мексика бўйлаб қилган сафари чоғида мазкур давлатлар фуқароларининг қаттиқ норозиликларини билдиришгани ёрқин мисолдир. Уларнинг фикрича, Лотин Америкаси дуч келаётган муаммолар, хусусан қашшоқликка қарши кураш АҚШ эътиборидан четда қолмоқда. Бу айбловларни Оқ уй раҳбари инкор этаркан, унинг бошқаруви даврида минтақага ёрдам миқдори икки бараварга ошганини таъкидлади.

Муросасиз қарашлари билан танилган Венесуэла президенти Уго Чавеснинг Аргентина пойтахтидаги футбол майдонида тўпланган йигирма мингдан ортиқ фуқаролар олдида Оқ уй раҳбарига нисбатан кескин танқидий чиқишлари норозиликларни баттар алангалатиб юборди. Майдонга йиғилганлар Уго Чавесни қўллаб-қувватлашди. АҚШ президентининг қитъанинг маълум давлатларига қилган ташрифига жавобан бир вақтнинг ўзида Венесуэла президенти қитъа бўйлаб саёҳат уюштиргани ҳам кўп нарсани англатади. Минтақада иқтисодий гегемонликка эришган АҚШдек давлатга қарши кескин фикрлар билдириш иқтисодий босимларга бардош бера оладиган даражада тараққиётга эришган бўлишни талаб этади. Гарчи Венесуэла давлатининг иқтисодий кўрсаткичи у даража бўлмаса-да, мамлакатдаги мавжуд нефт заҳираси ташқи ва ички сиёсатда эркин ҳаракатлар олиб боришга асос бўлмоқда. Чавес ҳатто юки анчайин оғир бўлган қудратли давлатларнинг минтақада олиб бораётган сиёсатига қарши мухолифликни ўз гарданига олган. Аслида мухолифатчилик унга бегона эмас.

Уго Чавес 1954 йил 28 июлда Венесуэланинг Баринас штатида кўп фарзандли ўқитувчи оиласида туғилган. 1975 йили Ҳарбий академияни тамомлаган. Баъзи манбаларда, Каракасдаги Симон Боливар номидаги Университетда ҳам таҳсил олганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Ҳарбий академияда ўқиб юрган кезлари COMACATE ташкилотига асос солган. Кейинчалик мазкур ташкилот Боливар инқилобий ҳаракатига айлантирилган. Айнан Боливар деб юритилиши бежиз эмас. Бу билан у мустақиллик учун курашган Симон Боливарга бўлган ўз муносабатини ҳам билдиради.

1992 йил феврал ойида давлат харажатларини қисқартириш сиёсати ва кенг авж олган коррупция туфайли унчалик обрўга эга бўлмаган президент Карлос Андерас Пересга қарши подполковник Чавес бошчилигида ҳарбий давлат тўнтариши уюштирилади. 18 кишининг умрига зомин бўлган ушбу ҳаракат ҳукумат тарафидан бартараф этилади. Чавес ҳибсга олинади. Шу йили унинг тарафдорлари яна давлат тўнтаришини амалга оширишга уриниб кўрди. Бу сафар ҳам омад улардан юз ўгиради. Шу тариқа Чавес умрининг 2 йилини қамоқда ўтказади. Амнистия туфайли озодликка чиққач, қўлини қовуштириб ўтирмади. У Бешинчи республика ҳаракатига (Movimiento V Republica) асос солади ва легал сиёсий фаолият олиб бориш йўлини танлайди. 1998 йили коррупцияга қарши кураш шиори остида президентликка номзодини илгари суради. 56,5 фоиз овоз тўплаб сайловда ғолиб чиқади. Умумтаълим ва соғлиқни сақлаш тизимини яратиш баробарида бир қатор ижтимоий дастурларни қамраб олган сиёсат Чавес ҳукумати иш фаолиятининг асосини ташкил этади. Ҳукумат «Petroleos de Venezuela» давлат нефт компанияси фаолиятини қаттиқ назоратга олади. Мазкур компания даромадлари аҳоли эҳтиёжларига йўналтирилади: мактаб ва шифохоналар қурилиши, саводсизликка қарши кураш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ва бошқа ислоҳотлари билан кўпчилик кам таъминланган аҳолининг ишончига кирган Чавес ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини миллийлаштиришга киришади.

1999 йили Венесуэлада президентлик муддатини 5 йилдан 6 йилга узайтиришни назарда тутувчи янги Конституция қабул қилинади. Ушбу ўзгартиш туфайли 2000 йил 30 июлда ўтказилган президентлик сайловида 60 фоиз овоз тўплаган Чавес улоқни яна илиб кетади.

Чавес нефт тармоқларининг бошлиқлари, католик черковининг руҳонийлари ва мухолиф журналистларга қарши кескин чиқишлар қилади. Ташқи сиёсатида антиамерика позициясини танлади. 2001 йили у АҚШнинг Афғонистондаги ҳарбий операциясини ёқламади. Унинг фикрича, террорчиларга қарши курашда АҚШнинг ўзи террорчилик услубидан фойдаланган.

2002 йил 11 апрелда давлат тўнтариш туфайли Чавес ҳокимиятни қўлдан бой беради. Лекин уч кун ўтиб, яъни 14 апрел куни кўпчилик тарафдорлари ва армиянинг содиқ бўлими ёрдамида яна президентлик курсисини эгаллайди. 14 апрелгача мамлакатни Педро Кармона Эстанга бошқаради. Шу уч кун мобайнида у парламентни тарқатади, бош прокурор фаолияти ва давлат назоратини тўхтатади, шунингдек, Чавес даврида қабул қилинган миллий бойликнинг маълум қисми кам таъминланганлар манфаатига йўналтиришни назарда тутувчи қонунларни бекор қилади. АҚШ мазкур тўнтаришни маъқуллайди. Чавес ҳокимиятни қайта эгаллаганда эса, АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс хоним унга бўлиб ўтган воқеалардан тўғри хулоса чиқаришни маслаҳат беради. Шундан сўнг мухолифат давлат раҳбари билан Конституция доирасида кураш олиб борди. Хусусан, 2004 йили мухолифат давлат раҳбарига бўлган аҳолининг ишончини текширувдан ўтказиш учун референдум ўтказишга эришади. Лекин 59 фоиз аҳоли президентни қўллаб-қувватлади ва мухолифатчиларнинг барча саъй-ҳаракатлари пучга чиқди.

Аксиламерика ва глобаллашувга қарши кураш унинг ташриф қоғозига айланди. Чавес бошчилигида Венесуэла давлати минтақада АҚШга нисбатан мухолифатчиликда етакчи кучга айланишга интилмоқда. ОАВнинг хабарига кўра, Венесуэла ҳукумати колумбиялик партизанларга ёрдам қўлини чўзган, Лотин Америкасининг бошқа давлатларига кўмак сифатида катта маблағларни сарфлаган, умумамерика эркин савдо зонасини (FTAA, Free Trade Area of the Americas) тузишга қарши чиққан. Бундан ташқари, Чавеснинг АҚШнинг қора рўйхатига киритилган Эрон Белорус каби давлатларга қилган ташрифи, шунингдек, нефтни арзон нархда етказиб бериш эвазига қитъадаги маълум давлатларнинг қарашларини ўз томонига оғдириши ҳам унинг қарори қатъий эканлигидан далолат беради. Шунингдек, Вашингтоннинг бир томонлама сиёсатидан дунё безиб турган айни пайтда Венесуэла раҳбарининг эҳтиросли чиқишлари, танқидий фикрлари анча-мунча сиёсатдонларга хуш ёқмоқда. Чавес дунёдаги умумий ҳолатдан келиб чиқиб иш тутмоқда. Бу ҳаракатлар унга обрў келтирмоқда. 2006 йилда бўлиб ўтган президентлик сайловида Уго Чавеснинг қўли яна баланд келганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди. Табиийки, бу ҳолат шимолдаги қудратли қўшнини қониқтирмади. Чунки Чавеснинг мағлубияти учун АҚШ томонидан катта маблағ сарфланган эди-да!

Сайловолди кампаниясида у президентликка номзодликни бир неча марта илгари суриш имкониятини берувчи янги қонун қабул қилиш билан Конституцияга ўзгартиш киритиш режаси мавжудлигини баён қилди. Агар ушбу қонун ўз исботини топса, Чавес ҳокимиятни ҳали-бери бўшатмайди. Бунга сабаб мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ислоҳотлар, хусусан, табиий бойликдан келадиган фойданинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилганлигидир. Буларнинг барчаси Чавеснинг обрўсини оширишга хизмат қилмоқда.

**Абдурасул ЁРБЕКОВ**

## Натижасиз музокаралар



Корея Халқ Демократик Республикаси ташкил топганидан сўнг (1948), у ерда социализм қуриш ғояси кенг тус олади. Сабаби бир миллат 2 қисмга ажралиб, XX асрнинг икки мафкураси қурбонига айланганди. Урушдан сўнг жануб томонига АҚШ қўшинлари кириб келган бўлса, шимолда эса собиқ Иттифоқ ўз байроғини тикиб бўлганди. Натижада мамлакатдаги ҳар бир соҳа социалистлар ғояси билан бошқарила бошланди. Шимолий Кореяга собиқ Иттифоқ томонидан кириб келаётган ёрдам туфайли, унинг иқтисоди бир маромда ўсиб борарди. Бироқ 80-йиллардаги «буюк давлат»нинг ички инқирози ҳаммасини издан чиқарди. 90-йилларда мамлакат иқтисоди бутунлай таназзулга юз тутди. Ишсизлик ва истеъмол моллари танқислиги юз берди.

1994 йилга келиб КХДР президенти Ким Ир Сен ўрнига ҳукумат тепасига ўғли Ким Чен Ир келади. У ҳам отасининг йўлидан бориб, ҳарбий саноат комплекслари қуришга эътибор қаратади. Асосан икки йўналишда: ракета ишлаб чиқариш ва ядровий қурол яратиш соҳасида иш олиб борилади.

1999 йилда эса Шимолий Корея ўрта масофага учадиган ракета синовини ўтказди.

Кўп маблағ қуролланиш пойгаси учун сарф қилинаётганлиги туфайли аҳоли турмуш даражаси кундан кунга пасайиб борарди. Фақатгина хорижий давлатлардан келаётган инсонпарварлик ёрдамлари одамлар жонига оро кирарди. Айниқса, Жанубий Корея ҳақиқий қўшничилик вазифасини бажарди.

КХДР олиб бораётган бундай ҳарбий сиёсат етакчи давлатларни хавотирга солиб қўйди. Ўтган йили ёпиқ ер ости лабораториясида атом бомбасининг синовдан ўтказилиши безовталикни янада кучайтириб юборди.

2006 йилдан бошлаб 6 мамлакат, яъни АҚШ, Россия, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Шимолий Корея ўртасида ушбу масалага оид музокаралар ўтказила бошланди. Бунда Пекин асосий учрашув жойи бўлиб қолмоқда. Музокара олти марта ўтказилган бўлишига қарамай, ҳали бирор-бир натижага эришилгани йўқ. Шу йилнинг 13 мартида бўлиб ўтган учрашувда Шимолий Корея олтмиш кун давомида Йонбен шаҳридаги ёпиқ ядросаноат комплекси фаолиятини тўхтатган тақдирда бу давлатга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва 500 минг тонна мазол киритиш ҳамда энергия манбаларидан кўмак бериш ваъда қилинди. Бунга Шимолий Корея вакили банкдаги «музлатилган» пулларини ҳаракатлантириш шарти билан розилик билдирди.



Чунки 2005 йилда АҚШ томони гиёҳванд моддалар савдоси ва доллар купюрасини сохталаштирганликда КХДРни айблаб, унинг Хитойда жойлашган «Banco Delta Asia» банкидаги 25 миллион доллар маблағини музлатиб қўйган эди.

Шу йилнинг 19 мартида бошланган навбатдаги музокаралар асосан шу масалага бағишланди. Бироқ КХДР маблағни Россия банклари орқали олишини билдирса, Хитой Жанубий Корея орқали олиш уларга осон кўчишини таъкидлайди.

Россия эса бундай операцияга қатнашишдан чўчимоқда. Бу ишга аралашиш Россия банкларини «Banco Delta Asia» ҳолига тушириши мумкин. Умуман олганда нафақат РФ банклари, балки бошқа давлатларнинг банклари ҳам бунга хавотир билан қарамоқдалар.

Хуллас, АҚШ мазкур банк жойлашган Макао маъмуриятига 11 миллион доллар пулни жонлантириш ҳақида кўрсатма берди. Бироқ бу ҳам айрим техник сабабларга кўра амалга оширилмади. Бундан аччиқланган Шимолий Корея вакили Ким Ге Гван музокарани тарк этиб, ўз юртига учиб кетди.

Изоҳталаб журналистларга эса пул муаммоси ҳал бўлмагунча музокарада қатнашмаслиги ҳақида маълумот берди.

Бунга жавобан бешала томон ҳам Шимолий Кореяга ҳеч қандай ёрдам киритмаслигини айтмоқда. Шундай қилиб, Пекин музокараси тўхтатилди. Апрел ойининг ўрталарида уни давом эттириш кўзда тутилмоқда.

**Аброр УМАРҚУЛОВ**

**Саҳифа хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.**

1 апрел — Кулги ва ҳазил куни

Собиржон ишдан қайтганда отаси Қодир ака хаёл дарёсида сузиб, кечаги дам олиш куни «Дарвозакент» жарлигида бўлган «жанг»да эллик минг сўмнинг бошини еган беданасининг тумшуғига туфлаб ўтирарди. Онаси Гулюз эса бешикда пишиллаб ухлаб ётган қиз неварасига кўйлак тикиш билан банд эди. Ўғил ота-онасига салом бергач, ҳазил қилди:

— «Полвон»нинг кураги яна ерга текканга ўхшайди-а, дадажон?

# Бедана палов

## (Ҳажвия)

— Ўлар бўлсам ўлдим, — ўғлини қувватлади Гулюз опа. — Ахир, «ҳалоллик» кетидан қувган одамнинг ошиғи бир чикка, бир пукка кетади-да.

Хотинининг пичингли қўнғироқдай овози мудрай деб ўтирган Қодир акани ўзига келтириб, хаёлларини тўзитиб юборди.

— Тағин нима гап?

Ўғил ёрилди.

— Сизни деб маҳалла-кўйга аралашолмай қолдим. Мени кўрганлар: «Ана, Қодир қиморбознинг ўғли келяпти», деб масхара қилишяпти. Отажон, ахир қачонгача «боз-боз»лар чойхонасида маишат қиласиз, қачонгача шу пати юлуқ беданангизни енг ичида аллалайсиз?

Она-боланинг гапи Қодир аканинг суяк-суягидан ўтиб кетди. У вазиятнинг бундай кескин тус олишини ҳеч ўйлаб кўрмаган экан. «Нима ишлар қилиб қўйдим ўзи? Ким эдиму, ким бўлдим? Ҳаммасига ишдан бўшаб, бекорчилар қаторига ўтиб қолганим сабабчи. Асбобсозлик корхонасида ўттиз йил ишлабман-а, бу касбимни жондилдан яхши кўрганимдан. Ахир бузуқ станокка қўлим тегиши билан барча қисмлар шақирлаб ишлаб кетарди-я. Афсуски, корхона банкротга учрагач, ихтиёримни оёқларимга бердим. Улар тўппа-тўғри маҳалла чойхонасига бошлади. Тахта каравот тўрида тенгқурларимдан Рихси «жигар» қўр тўкиб ўтирарди.

Кўришдик. Оғзидан ароқ ҳиди анқирди. У қизарган кўзларини сузиб гап қотди:

— Ишдан бўшабсан деб эшитдим, шу ростми, жигар?

— Рост, икки-уч кун бўлди.

— Ҳим, демак, бекорман дегин. Бекорчидан Худо безор. Хохласанг бу касалликка менда даво бор!

— Қандай?

— Саволинг якшанбада ўз жавобини топади, жигар.

Дам олиш куни у мени Чўпон отадаги кўздан ҳоли бир чойхонага бошлаб борди. Ўтирганларнинг ҳаммаси енглари ичидаги бедана билан овора бўлсалар-да, аммо Рихси «жигар»нинг ҳурматини жойига қўйишди. Айниқса, Алим «мингталик» (киссасида доим минг сўмликлар олиб юргани учун шундай лақаб олган экан) унга алоҳида илтифот кўрсатди. Бир пиёла чойдан сўнг эса орага «мўйсафид» аралашди. Бу ерда «кемага тушганнинг жони бир» экан. Пиёла икки марта давра айлангач, ташқарига чиқдик. Рихси «жигар»нинг ҳакамлигида жониворлар жангги бошланди. Ҳозиргина бир-бирини ака-ука деб чақираётган одамларни энди таниб бўлмасди — оғзиларидан боди кириб, шоди чиқарди.

«Жигар»нинг тавсияси билан мен ҳам иккинчи ўйинга пул тикиб қўшилдим. Ошиғимиз олчи турди. Каминага ўн минг сўм улуш тегди. Ўйин тугагач, қора қўчқорнинг гўштидан қозон кабоб тановул қилдик. Алим «мингталик» соқийлигида ҳатто оппоқ соқоллилар ҳам пиёлани оқ қилиб беришди. Қани энди, унинг қўлини қайтарадиган мард топилса.

Беданабозлик йўли текис эмас, гоҳ ютасан, гоҳо ютқазасан. Ҳатто ўғлим олиб берган хориж пальтоси ва магнитофонни ҳам қиморга тикворибман. Ўйинга тикмаган яна нимам қолди ўзи?

Хуллас, ихтиёрни бошга эмас, оёққа қўйиб бераверib биб-бинойи пияниста бўлиб қолибман. Йўлим жоме масжидининг ёнгинасида эмасми, номозхонлар саломимга «Ҳа, қиморбоз, ҳалиям тирикмисан?» дегандай алик олишарди. Илгари еру кўкка ишонмайдиган хотиним ва ўғлим ҳам баъзан менга бегоналардек қараб қўйишади.

Энди улардан ҳам ажралиб қолсам-а?! Йўқ, бу — аросат, бу — даҳшат! Бунга йўл қўйиб бўлмайди!»...

— Алаҳлаяпсизми, дадаси?

Бу овоз унга қаттиқ ёпилган эшикнинг тарақлашидек таъсир қилиб, чўчиб тушди. Қаршисида она-бола ундан жавоб кутишарди, Қодир ака кейинги бир йил ичида уларга биринчи бор тик ва қатъият билан боқиб:

— Коржомамни яхшилаб дазмоллаб қўй, онаси, келаси ҳафтадан ишга тушаман, — деди.

Унинг товушидан яркироқ, лекин бесамар ўтган умри учун афсус-надомат сезилиб турарди. Она-бола бир-бирига маънодор қараб қўйишди.

Қодир ака шу куни иккита уришқоқ ва тўртта бўрдоқи беданасини бўғизлаб, ўз қўли билан бедана палов қилди.

**Абдунаби МАННОПОВ**

# Изоҳи сиздан...





Хонбалиқ — ошиқ, ёр васлига интизор,
Гулмохини чорлади учрашувга неча бор!
«Севганинг бор экан-ку, дилга ботди тикани»,
Дея айтиш учун ҳам, тил бўлганда-ку, қани.
Шу қўйи тикилишиб, узоқ вақт бир-бирига,
Дил розин айтаолмай, кетишди ўз йўлига.

Х.НУРПЎЛАТОВ,
Бўстонлиқ тумани Сижжак қишлоғи

Ишқ-муҳаббат илоҳий нарса,
Уни ҳеч ким этолмас инкор.
Ерда, кўкда, ҳаттоки сувда,
Ўзгача бир таровати бор.

* * *

«Видолашмас экан кўнгиллар,
Алвидо, деб биз хато этдик».
Яхши ишқибозлар бор экан.
Аквариумда висолга етдик.

Рустам САТТОРОВ,
Наманган шаҳри, ҳуқуқшунос



— Ой қулоғинг тут дугон,
Янги хабар бор манда.
Ортиқ-Зокир «Ҳандалак»,
Наврўзда қилар ханда.

— Борсак, борайлик майли,
Ором оламиз анда.
Мени уйғот ўртоқжон,
Сўфи азон айтганда.

Асалхон МЎЙДИНОВА,
Янгиариқ туманидаги
4-мактабнинг 6-синф
ўқувчиси

— Кеча учрашиб сиздан,
Бир нарса сўрагандим.
Шуни аниқлаш учун,
Сизни кутиб тургандим.

Қилмадими тўпалон,
Ёрингиз кўриб бизни?
— Асло, бошқаси билан,
Тутиб олдим ўзини.

Ҳанифа РЎЗИМАТОВА,
Тўрақўрғон тумани

Хаёлларга берилиб,
Сузаяпман мен сувда.
Бир балиқни учратдим,
Ва ўзимга ўхшатдим.
Ерга Қўйдим кўксимни,
Кўраяпман аксимни.

Нозимахон АҲМАДБЕКОВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги
279-мактаб ўқувчиси

Энг яхши, энг кувнок изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

# Мунажжим башорати

## (2 апрел – 8 апрел)



ҚЎЙ. Ҳафта бошидан ҳамкорингиз билан муносабатларингиз бироз чигаллашади. Чоршанба ва пайшанба кунлари фаолиятингиз жадаллашади. Тўғри қарорлар қабул қилишингиз муваффақият келтиради. Жума куни кечқурун бассейнга борсангиз ҳузур қиласиз. Дам олиш куни севимли кишингиз билан бўлинг.



**БУЗОҚ. Ҳафта бошида молиявий ишларингизда қийинчиликлар учрайди. Шунинг учун душанба, чоршанба, пайшанба кунлари шартнома тузманг. Муҳим ишларингизни шанбага қолдиринг. Оилангизга доир қарорларни фақат якшанба куни амалга оширинг.**



ЭГИЗАКЛАР. Бу ҳафтада муҳаббатда ва ижод соҳасида омадингиз кулиб боқади. Сешанбада илм олиш билан шуғулланинг. Чоршанба куни ҳомийларингиз сизга ёрдамга келади. Жума куни янги шартномалар тузманг, эскиларини қайта кўриб чиқинг. Якшанбада қабул қилган қарорингиз келажакка ижобий таъсир қилади.



ҚИСҚИЧБАҚА. Кунларингиз ҳаяжонли кечади. Ҳаётингизни барча доирасида турли воқеалар, ранго-ранг хисларга бой дақиқалар қуршовида қоласиз. Чоршанба куни нозик руҳий кечинмалар билан шуғулланишга тўғри келади. Жума куни эса, саёҳат қилишни қўмсаб қоласиз. Шу кунларда ўткир нарсаларга эҳтиёткорлик билан ёндошинг. Якшанба куни ҳолат барқарорлашади.



АРСЛОН. Ҳафтанинг дастлабки икки кунида руҳий кўтаринкилик рўй беради. Бунга дўстларингиз сабабчи бўлади. Сешанбанинг иккинчи ярмида кишилар билан ёқимли мулоқотга киришасиз. Чоршанба кунида севимли кишингиз билан муносабатингиз ўзгаради. Якшанба куни муҳим қарор қабул қилишда бутун масъулиятни ўз бўйнингизга олинг.



ПАРИЗОД. Ҳафта бошида молиявий ишингизда муҳим ўзгаришлар рўй беради. Яхшироқ буюм харид қилишингиз мумкин. Чоршанба куни ҳамкорларингиз билан шартнома тузишда жуда эҳтиёткор бўлинг. Шу куни ҳеч нарса харид қилманг. Жума куни сиз билан рақобат кучаяди. Фақат шанба куни ҳамкорларингиз билан умумий тил топа оласиз.



ТАРОЗИ. Ҳафтанинг биринчи ва иккинчи кунлари фақат сизнинг ихтиёрингизда бўлади. Сиз ва ҳамкорингиз ҳар қандай мулоқотга тайёр бўладилар. Душанба кундан ҳам сешанба кун самаралироқ кечади. Чоршанба куни молиявий ишларингизни бажарманг, сизни тўғри тушунишмайди. Кейинги кунлари мулоқот доирангиз кенгаяди. Дам олиш кунлари истиқболли иттифоқлар тузасиз.



ЧАЁН. Соғлигингизга алоҳида эътибор беринг. Сурункали касалингиз қўзғаб қолиши мумкин. Иш жойингиздаги вазият ҳам эътиборингизни жалб қилади. Чоршанба ва жума кунлари сиз учун қулай. Шу кунлари ўзингизни яхши ҳис қиласиз. Жума куни ғайратингиз тўлиб-тошади. Ташаббус билан ишланг. Дам олиш куни ишингизга доир муҳим ва масъул қарорлар қабул қилсангиз бўлади.



**ЎҚОТАР. Бу ҳафтанинг бошида хаёлингизни севгилингиз ва дўстларингиз банд этади. Умуман бу ҳафтада сизни ёқимли воқеалар кутмоқда. Айниқса, дам олиш куни жуда қулай имкониятлар туғилади. Жума куни спорт билан шуғулланишни унутманг. Дам олиш кунлари болаларингиз билан саёҳатга чиқинг.**



ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафтада уйдаги ва ишдаги ташвишларингиз ортади. Душанба куни ҳамкорларингиздан узоқлашманг. Худо ато этган ақлга суянинг. Уришганларингиз билан ярашинг, низо чиқарманг. Дам олиш кунлари оилавий муносабатларда муҳим қарорлар қабул учун қулайдир. Ўша куни оилангиз кўз ўнгида обрўйингиз ошиши борасида муҳим ва жиддий қадам қўйишингиз мумкин.



ҚОВҒА. Бу ҳафтада илм ўрганиш ва халқаро масалаларингизни ҳал қилиш учун қулайлик туғилади. Ҳафта ўртасида севимли кишингиз билан эртакларга хос гўзал вазият яратинг. Нозиклик билан у ҳақида ғамхўрлик қилинг. Тадбиркорлик соҳасида ҳам қўрқмасдан андозасиз ҳаракатлар қилаверинг. Ҳаммаси яхши бўлади. Жума куни енгил даромад топишингиз истисно этилмайди.



БАЛИҚ. Ҳафтанинг бошида молиявий ишларингизни осонлик билан ҳал қиласиз. Бу соҳада ҳал қилган масалаларингиз самарали ва харидингиз баракали бўлади. Савдо-сотиқни асосан сешанба куни қилинг. Жума кунидан бошлаб спорт билан шуғулланинг. Дам олиш кунлари қабул қилган қарорларингиз ҳаётингизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 153-52-78
Хатлар бўлими: 153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар ⓗ белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - А.Қодирова
Навбатчи - А.Абдиев
Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков

Саҳифаловчи-дизайнер: Ж.Юнусов, Ю.Михайловский

Буюртма Г— 214
Тиражи: 19219

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.00

Сотувда эркин нархда
2 3 4 5 6 7 8